O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil Mart
Du Se Ch Pa Ju Sh Ya Du Se Ch Pa Ju Sh Ya Du Se Ch Pa Ju Sh Ya Du Se Ch Pa Ju Sh Ya Du Se Ch
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan ● E-mail:urmvd@inbox.uz ● №12(3853)

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Шу йил 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги: амалиёт ва самарадорлик» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарининг раислари, сенаторлар ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари, Тошкент давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси олимлари, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Адвокатлар палатаси раҳбарлари ва мутахассислари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламент фаолияти якунларини сарҳисоб қилар экан, «...парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди. Умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик янада самарали таъминланмоқда» деб таъкидлагани кўрсатиб ўтилди. Шу билан бир қаторда давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг кейинги беш йиллик даврдаги вазифалари ва устувор йўналишларини аниқлаб берди, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

**Давлатимиз раҳбари томонидан** парламент олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, давра суҳбати иштирокчиларининг диққат-эътибори чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатда олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган қонун ижодкорлиги фаолияти дастурини яратиш масалаларига қаратилди. Иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, уларда фаолликнинг етишмаслигини енгиш, қабул қилинаётган қонунларга уларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни киритиш зарур бўлиб, бу охир-оқибатда парламентдан юксак даражада ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлларини узлуксиз равишда излашни талаб қилади.

Масалани муҳокама қилиш чоғида давра суҳбати иштирокчилари иш тажрибасини алмашдилар, Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш масалалари юзасидан ўз таклиф ва истакларини билдирдилар.

Давра суҳбати иштирокчилари қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш ва тақдим этилган қонунларнинг мазмун-моҳияти юзасидан юқори ҳамда қуйи палата келишув комиссиялари доирасида келиб чиқадиган баҳс-мунозаралар масалаларини ҳам қизғин муҳокама қилдилар.

Давра суҳбати якунлари бўйича муҳокама қилинган масалага доир тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**ЎзА.**




## АЗАЛИЙ ВА БОҚИЙ АЙЁМ

**Баҳор келиши билан табиат сулув келинчакдек безанади, ҳусн-малоҳатга, тароватга йўғрилади. Қишнинг қаҳридан толиққан борлиқ кўкламнинг илиқ нафасидан энтикади. Она замин зумрад рангига бўянади. Дарахтлар ҳарир либосга бурканади.**

**Баҳорнинг муаттар нафасидан энтиккан диллар мусаффо осмоннинг мовий кенгликларида жонсарак қалдирғочлардек парвоз қилади гўё. *Анвойи гуллару турфа гиёҳлар атрини атрофга таратаётган кўклам* насими, завқ-шавққа тўла булбуллар хониши инсон ботинидаги энг инжа ҳисларни-да уйғотади.**

Инсон ҳам, табиат ҳам янгиланиш, яшариш айёми бўлган Наврўзи оламни ана шундай интиқлик, муштоқлик билан кутиб олади.

Наврўз инсониятнинг ўзи қадар қадимий ва боқий байрам. Айни пайтда бу байрам Ер юзидаги ўнлаб мамлакатларда катта шодиёна, хурсандчилик ила қарши олинади. Аждодларимиз минг йиллардан бери бу кунни эзгулик, бағрикенглик ва тенглик ифодаси сифатида нишонлаб келганлар.

Наврўз. Бу сўз замирида халқимизнинг узоқ ўтмиши, миллий қадриятлари, асрий анъана ва урф-одатлари мужассам. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ватанимизда бу байрам жуда қадим замонлардан, минг-минг йиллар илгари ҳам нишонлаб келинган. Замонлар ўтса-да, давру давронлар ўзгарса-да, ҳеч бир куч халқимизни Наврўз билан боғлаб келаётган чамбарчас ришталарни уза олмаган. Аксинча, асрлар оша, бу байрам янада сайқал топиб, янгича удум ва қадриятлар билан бойиб бораверган.

Улуғ алломаларимиз Наврўз тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотларни битиб қолдирганлар. Ижод аҳли эса Наврўзни мадҳ этувчи дилбар ашъорлар ёзишдан чарчамаган. Наврўз билан боғлиқ қадриятлар, урф-одатлар ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Зеро, Наврўз нафақат баҳорги тенгкунлик байрами, балки эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, хайр-саховат айёми ҳамдир.

Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк", Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Умар Хайёмнинг "Наврўзнома", Алишер Навоийнинг "Тарихи мулуки ажам", "Садди Искандарий" асарларида ушбу қадимий байрамнинг пайдо бўлиши, тарихи билан боғлиқ хилма-хил маълумотлар келтирилган. Буларнинг барчаси Наврўзнинг нақадар қадимий айём эканидан дарак беради.

Халқимиз Наврўзни ҳамиша яхши ниятлар, хурсандчилик, ўйин-кулги, эзгу тилак ва истаклар, хайрли дуолар билан қарши олган. Йил боши – Наврўз қандай бошланса, бутун йил шу тариқа давом этишига ишонган. "Яхши одам – кўзидан, яхши йил Наврўзидан маълум" деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Ана шу мазмун Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида ҳам мужассам:

**Улус чеҳраи оламафрўзидин,**
**Билур йил келурини Наврўзидин.**

Юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида, маҳалла ва овулларида Наврўз ўзгача шукуҳ, ўзгача руҳда ўтади. Каттаю кичик юзда табассум, дилда қувонч билан бу гўзал ва бетакрор байрамга пешвоз чиқади. Момоларнинг ўлан ва лапарларида, боболарнинг шукрона балққан нигоҳлари, дуога очилган қўлларида, болажонларнинг бахтиёр кулгусида, қизалоқларнинг ширин табассумида Наврўз тароватини ҳис этасиз.

Айниқса, сумалак қайнаётган дошқозон атрофидаги онахонларимиз тимсолида, бир-биридан лазиз, хуштаъм баҳорий неъматлар тотида Наврўз нашидасини туйиш мумкин.

– Миллий таомларимиз, айниқса, Наврўз муносабати билан пишириладиган сумалак, гўжа, ҳалим, кўк сомса сингари баҳор неъматларида ҳам халқимизнинг кўп асрлик тажрибаси, донолиги мужассам, – дейди Фарғона вилояти Данғара туманидаги Каттатурк қишлоғида яшовчи Қурбоной ая Жумақулова. – Бундай таомлар баҳорги «иликузилди» пайтларда танага қувват бағишлайди, турли дардлардан фориғ қилади. Шу боис қишлоғимиз аҳли ҳар йили бу кунни соғиниб, интизорлик билан кутади. Жорий йил ҳам ота-боболаримизнинг бу эзгу байрамини катта хурсандчилик билан кутиб олаётирмиз.

Дарҳақиқат, Наврўз дастурхонини турли баҳорий ноз-неъматлар, айниқса, сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу тансиқ таомнинг фойдали, шифобахш хусусиятлари ортиқча таърифга муҳтож эмас. Сумалак ҳам худди Наврўз сингари қадимий ва безавол экани тарихий манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, юнон тарихчиси Ҳеродот ўз солномаларида қадимги аждодларимизнинг баҳорнинг илк кунларида буғдой майсасидан махсус таом тайёрлаганлари ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида «сума» сўзи қадимги туркий тилларда ивитилган буғдой маъносини бериши қайд этилган. Кўпгина олимларимиз «сумалак» сўзи ҳам айнан шу ўзакдан келиб чиққанини ёзадилар. Бу таом бугунги кунда Наврўз нишонланадиган барча ҳудудларда кенг тарқалгани ҳам унинг қанчалик суюмли эканини кўрсатади.

Наврўзи олам катта тантана билан нишонланаётган зангори гилам тўшалган адирлар, бепоён дала-даштлар отлар дупуридан ларзага келади. Зотан, бу гўзал айёмнинг нашидаси отларнинг кишнашию, чавандозларнинг ҳайқириғи билан уйғунлашиб, айрича жўшқинлик касб этади.

...Болалик йилларимизда баҳор келиши билан каттаю кичик маҳалламиздан етти-саккиз чақирим узоқдаги Қуруқсой мавзеи томон ошиқарди. Кексаларнинг айтишича, бу ялангликда улоқ-кўпкари беллашувлари юз йиллардан бери ўтказиб келинаркан.

Бу ерда атроф-жавонибдан келган ўнлаб чавандозлар, юзлаб кўпкари ишқибозлари тўпланар, ҳамма қатори биз, болалар ҳам улоқ талашиб, марра сари шитоб билан елиб бораётган чавандозларнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини киприк қоқмай кузатиб турардик...

Бугун ҳам мамлакатимизнинг юзлаб гўшаларида кўпкарининг аллақандай жайдари нафосати, ўзига хос завқи, шукуҳи ҳукмрон. Аждодларимизнинг қанчадан-қанча умрбоқий анъана ва қадриятлари қатори миллий спортимизнинг бу тури ҳам тараққий этиб, сайқал топиб келаётир.

Олимларнинг фикрича, кўпкари халқимизнинг янги йил ҳосилини чамалаш билан боғлиқ эътиқоди ва қарашлари замирида, Наврўз байрами удумларининг шаклланиши жараёнида келиб чиққан. Кейинчалик у барча сайилларда, тўй-ҳашамларда, байрамларда ўтказиладиган умумхалқ томошаларидан бирига айланган.

– От миниб, улоқ чопиб катта бўлганман, – дейди Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида яшовчи чавандоз Ўринбой Султонов. – Ҳаётимни отсиз, кўпкарисиз тасаввур этолмайман. Сурхон воҳасида азалдан Наврўз тантаналари кўпкарисиз ўтмайди. Бизда маррани, чавандоз улоқни олиб келиб ташлайдиган чуқурни қоралиқ дейилади. Улоқни ҳеч кимга олдирмай, ана шу қоралиққа келтириб ташлаган чавандознинг хурсандчилиги, сурурини ундан бошқа ҳеч ким ҳис қилолмаса керак.

Бугун ҳам она-Ватанимиз, халқимиз бу азалий ва абадий байрамга ҳар йилгидай кўтаринки кайфиятда, шод-хуррамлик, қувонч ва соғинч ила пешвоз чиқаётир.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, барчамиз орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказиладиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир.

**Рустам ЖАББОРОВ.**





**Инсон ҳуқуқлари – муқаддас**

# ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Олий академик курслари тингловчилари билан ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотни Омбудсман демократик институти раҳбари С. Рашидова олиб борар экан, амалий машғулотларни ўтказишдан мамнунлигини билдирди.**

Сўнг маърузачи тингловчиларга Омбудсман фаолиятининг асосий тамойиллари, йўналишлари ва уни сайлаш тартиби, вакил томонидан қандай шикоятлар қай тартибда кўриб чиқилиши, вакилнинг ҳуқуқлари, вазифалари ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, диаграммалар, жадваллар ва бошқа кўргазмали қуроллар ёрдамида вакил томонидан шу кунгача амалга оширилган ишлар тўғрисида гапирди. Машғулот чоғида маърузачи «Дунё омбудсманлари» китоби ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, унда омбудсман кеча ёки бугун пайдо бўлмагани, балки узоқ тарихга эга бўлиб, қадимда «мухтаъсиб»лар яъни, давлат ва фуқаролар ўртасидаги қонун-қоидаларнинг бузилишини олдини олиш борасида воситачи бўлганлигини таъкидлаб ўтди. Маъруза якунида эса инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя этиш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида эътибор қаратиш бўйича тингловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб берди. Машғулот сўнггида ИИВ Академиясининг Инсон ҳуқуқлари кафедраси ўқитувчи-профессори, полковник Ш. Ғойибназаров институт раҳбари С. Рашидовага мазмунли ва қизиқарли маърузаси учун тингловчилар номидан чуқур миннатдорлик билдирди.

– Машғулотнинг бевосита Омбудсман вакили иштирокида ўтказилиши ва унинг фаолияти ҳақида муфассал маълумот олишимиз бу борадаги билимларимизни янада мустаҳкамлади, – дейди ИИВ Академияси Олий академик курслари тингловчиси, Самарқанд вилояти Булунғур тумани ИИБ тергов бўлинмаси катта терговчиси, майор А. Отамурадов. – Айниқса, маъруза сўнггида С. Рашидова томонидан тингловчиларнинг ишларига омад тилаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида адолатли ва холис ёндашув, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши лозимлиги борасида билдирган тилаклари кишини бефарқ қолдирмади.



**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**

**Суратда:** *ўқув машғулотидан лавҳа.*

**А. КЕНЖАЕВ олган сурат.**

# ТАЙИНЛАНДИ

**Жиззах вилояти Зафаробод тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Жўрабек Мамирович ХОЖАНОВ.**



Жўрабек Мамирович Хожанов 1980 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2003 йилда Жиззах вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2004–2010 йилларда Жиззах вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, Зарбдор тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, Ғаллаорол тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

# ДАСТУР ТАСДИҚЛАНДИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида «Юртим тарихини ўрганаман» дастурини тасдиқлаш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу дастурга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилга қадар республикада туризмни янада ривожлантириш, туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларини кенгайтиришга доир Дастури асос қилиб олинди.**

Йиғилишда ушбу Дастур ижросини таъминлаш, маҳаллий туризмни ривожлантириш, ёшлар ўртасида юртимиз тарихи, халқимиз урф-одатларини кенг тарғиб қилиш масалалари кўриб чиқилди. Ташкилий қўмита йиғилишида бир қатор вазирликлар, жумладан, Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари ҳам иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

– Ёшларни юрт тарихи, турли анъаналар билан таништириш мақсадида режалаштирилган бу Дастур катта тарбиявий аҳамиятга эга. Биз, ички ишлар идоралари ходимлари сайёҳлик гуруҳлари аъзоларининг яшаш жойларида жамоат тартибини сақлаш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга масъулмиз, – дейди республика ИИВ ҲООББ катта инспектори, майор Хайрулло Шербоев.

Йиғилиш сўнггида Дастур ижроси учун лозим бўлган вазифалар тақсимланиб, ҳамкорлик дастури тасдиқланди.

**Г. АВАЗОВА,**
**«Постда» мухбири.**

# ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

**Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида «Республика ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишлар ва бу соҳада бошқа идоралар билан ҳамкорлик фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда республика Ички ишлар вазирлиги ва вилоят ИИБнинг масъул ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Семинарни вилоят ҳокими Н. Зайниев кириш сўзи билан очди.**



Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққан республика ИИВ ИҲҲҚ ва ЮТБ бошлиғи, подполковник И. Турғунов, Омбудсманнинг вилоят минтақавий вакили М. Нормуродов, вилоят ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБ бошлиғи, майор Ч. Кўчаров, Тошкент шаҳар ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБ бошлиғи, полковник А. Эрназаров ва бошқалар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ички ишлар идораларининг манфаатдор ташкилот ва органлар билан ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидлашди.

Семинар давомида вилоят ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБ матбуот гуруҳи томонидан тайёрланган кўрсатув намойиш этилди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари замонавий услубда таъмирланган ва жиҳозланган вилоят ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБ фаолияти билан яқиндан танишиб, фуқароларни тўсиқсиз қабул қилиш хоналарини кўздан кечирдилар.

**Содиқ РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

# ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида жиноятчиликка қарши кураш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Марказ директори А. Саидов олиб борган мазкур тадбирда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура, суд, ички ишлар идоралари, Адвокатлар палатаси ва фуқаролик жамияти институтининг ўрни муҳокама этилди.**

Анжуманда жиноятчиликка қарши курашнинг бош йўналиши фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозимлиги таъкидланиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия кодексларига киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар ҳақида гап борди. Иштирокчилар томонидан мазкур соҳада муваффақиятга эришишнинг муҳим шарти аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш эканлиги айтиб ўтилди.

Семинар қатнашчилари жиноятчиликка қарши кураш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўзаро тажриба алмашишди. Шундан сўнг марказ томонидан нашр этилган адабиётлар тақдимоти бўлиб ўтди.

Анжуман сўнггида бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**М. ОЧИЛОВ, капитан.**

**Юксак мукофот соҳиблари**

# ЧОРИ – ЭЛНИНГ МАДАДКОРИ

**Чори эндигина мактаб остонасига қадам қўйган пайтларидаёқ ички ишлар ходими кийимини кийган йигитларга ҳавас қиларди. Ойлар, йиллар ўтган сайин ёшликдаги орзу ниятга айлана борди. Ўрта мактабни тамомлаб тенгдошлари қаторида олий ўқув юртига ҳужжатларини тайёрлай бошлади. Уйдагиларнинг маслаҳати билан Тошкент давлат аграр университетига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Талабаликнинг олтин дамлари унинг ҳаётида бир умрга ўчмас хотираларни қолдирди. Университетда бўлиб ўтадиган барча фан ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, устозлар эътиборини қозонди. Ўзи танлаган йўналиш бўйича тушунмаган нарсаларини ўқитувчилардан ўқиб-ўрганди.**

Университетнинг ҳисобчилик йўналиши бўйича тамомлаб қайтган Чори тумандаги катта бир фирмада бош ҳисобчи бўлиб иш бошлади. Лекин унинг ёшликдаги орзуси бўлган форма кийиш ҳеч ҳам тинчлик бермасди. Орадан икки йил ўтгач, яъни 1999 йили туман ИИБга ҳужжатларини топширди. Барча синовлардан ўтгач, у Фарғона вилоятига малака ошириш учун ўқишга юборилди. Ўқиш пайтидаги жисмоний ва маънавий тайёргарликлар ўз касбини ардоқловчи ходимни чўчитмади. Аксинча, соҳанинг сир-асрорларидан янада кўпроқ воқиф бўлди.

Малакасини ошириб қайтган ходим профилактика инспектори лавозимига тайинланди ва ўз вазифасида сидқидилдан хизмат қилди. Ундаги шижоат, ғайрат ва ташаббускорликни ҳисобга олган раҳбарият паспорт бўлинмаси катта инспекторлигига ўтказишди.

2006 йилнинг май ойидан бошлаб эса тумандаги 32-милиция таянч пунктида профилактика инспектори бўлиб иш юритаяпти. Ўтган давр давомида маҳаллалар ҳудудида яшовчи саккиз мингдан зиёд хонадонларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришлари учун кечаю кундуз хизматда. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатликда фаолият юритаётганлиги боис ҳам ҳудудда жиноятчиликнинг олди олинмоқда. Корхона ва ўқув муассасаларида ўтказилаётган доимий учрашувлар сабаб ҳам ҳудудда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар учрамайди.

– Ёшликдаги ниятимга етганимга шукроналар келтираман. Камтарона хизматларим юксак баҳоланиб, Президентимизнинг Фармони билан менга «Шуҳрат» медали берилиши зиммамга янада кўпроқ масъулият юклайди. Вилоят ИИБ ва туман ИИБ раҳбариятининг менга бўлган ишончини ўз хизматларим билан оқлайман, – дейди Чори Зикиров.

Халқимизда «Меҳнат қилган элда азиз» деган пурмаъно сўз бор. Ана шу сўзнинг замирида инсон меҳнати, қадр-қиммати ётади. Ч. Зикиров ҳам ана шу касби орқали эл-юрт, давлатимиз раҳбариятининг эътиборига тушди. У яшаётган маҳаллада ҳам хонадонини ибратли оила сифатида ҳурматлашади. Турмуш ўртоғи Ойгул Усмонова билан Дилдора, Жасурбек, Дилрабо исмли фарзандларини вояга етказишмоқда.

Воҳамизда юрт тинчлиги, эл фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган ана шундай ички ишлар ходимлари борлигидан фахрлансак арзийди.

**А. ҲАЗРАТҚУЛОВ,**
**подполковник.**
**О. ОЙНАЗАРОВ,**
**журналист.**

*Сурхондарё вилояти.*



# СОҒИНТИРИБ КЕЛАДИ, БАҲОР!

**Ассалому алайкум, «Постда» газетаси таҳририяти ходимлари!**

**Мен бу севимли газетанинг ҳар бир сонини доимий ўқиб чиқаман. Янги сонини эса интиқлик билан кутаман. Таҳририятда хизмат қилиш, яъни газета чиқариш анча машаққатли эканини яхши биламан. Газетхонларнинг ҳар бирининг кўнглини топиш, дилга хушнудлик бахш этадиган мақолалар ёзиш осон эмас. Кейинги пайтда газета саҳифаларида қизиқарли мақолалар кўпайиб, ранг-баранг тус олаётгани сизларнинг қаламингиз янада ўткир бўлаётганидан далолатдир. Барчангизга ижодий муваффақиятлар тилайман!**

Табиатда яна яшариш фасли. Баҳор кишиларга табассум, хушкайфият, кўтаринки руҳ бағишлайди. Атроф кўклам инъомидан яшилликка бурканади. Дарахтлар уйғониб, новдалари гул билан безанади.

Баҳор! Бу сўз қанчалик ҳаётбахш ва ёқимли. Бу сўзни айтганда дилларда ажиб бир ҳис уйғонади. Кўкламни аёлга, мунис онага ўхшатгим келади. Она бутун борини фарзандига дилбандига беришни истайди, шунга ҳаракат қилади. Кўклам эса бор гўзаллигини ёйиб, чор-атрофни гул-гул яшнатади. Шунинг учун ҳам биз баҳорни онани соғингандек интиқиб кутамиз.

Ривоят қилишларича, бир юртни ёв босибди. Бутун элни қиличдан ўтказган қонхўр ҳузурига бир ўғил ва бир қиз билан яшайдиган муштипар онани келтиришибди. Аёл юртнинг бир чеккасида яшар экан. Босқинчилар шоҳи унга дебди:

– Сени ўлдирмасдан аввал мана бу икки фарзандингни қатл эттираман. Чунки улар бир кун келиб улғайиб, мендан қасос олиши мумкин.

Шунда онанинг шоҳга қилган ноласидан бутун борлиқ титрабди:

– Эй, муҳтарам шоҳ, сени ҳам она дунёга келтирганку! Қўлингга бир зирапча кирса онангнинг бағри тилингандир. Майли сен айтганингча бўлсин. Фақат бир шартим бор. Токи сен менинг кўзларимни ўз қўлларинг билан ўйиб олгинки, мен кўзимнинг оқу қораси фарзандларимни қатл эттирганингни кўрмай.

Шунда босқинчи шоҳ аёлнинг мард ва оқилалигига, жасурлигига қойил қолиб:

– Мен сенга тан бердим, сен туфайли бу жангда енгилдим, юртингни тарк этаман, – дебди ва аскарларини йиғиб бу юртдан кетибди.

Баҳор ҳам бутун борлиғини, саховатини заминга, дарахтларга беради. Уларнинг гўзаллигига яна чирой қўшади.

Юртимизда Наврўзи олам кезиб юрибди. Ҳар баҳорда Наврўзни орзиқиб кутамиз. Азизлар бу қутлуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

Ойдин кечаларда ухлолмай бедор,
Нурафшон тонгларни кутиб интизор,
Кун узун, тун қисқа, тонглар беғубор,
Дўстларим баҳорни соғинганим рост.

Гулу лолалар тергали гар чиқсам боққа,
Булбул хонишидан тушиб титроққа,
Илк кўклам нафаси урар димоққа,
Дўстларим, баҳорни соғинганим рост.

**Малоҳат БАДАЛБОЕВА,**
**капитан.**

**Эл осойишталиги йўлида**

# ҚУДРАТИМИЗ – ҲАМЖИҲАТЛИКДА

**Маълумки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис оилавий низолар, майда безорилик, ташмачилик ҳолатлари, қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликлар бўйича кўриладиган қонуний чоралар маҳаллаларда профилактика инспекторлари, яраштириш комиссияси аъзолари, маҳалла оқсоқоллари иштирокидаги сайёр судларда муҳокама қилинмоқда.**

Наманган вилоятида жорий йилнинг дастлабки ойларида ўтказилган сайёр судларда 104 та ҳуқуқбузарлик ҳолати кўриб чиқилди. 87 та оиладаги нотинчликка барҳам берилиб, 73 та ажрашишларнинг олди олинди.

Тўрақўрғон туманидаги Ёртепа қишлоғида жойлашган касб-ҳунар коллежида жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди томонидан 5 та ҳуқуқбузарлик юзасидан тегишли қарор чиқарилди. Ножўя хатти-ҳаракат қилганларнинг аксарияти ўзаро ярашгани учун уларга нисбатан жазо чоралари қўлланилмади. Жумладан, фуқаро Б. Шукуржон жаҳлга эрк бериб, турмуш ўртоғига енгил тан жароҳати етказди. Унинг қилмишидан пушаймонлиги, ҳозирда умр йўлдоши билан ярашиб, тотув яшаётгани, икки фарзанди борлигини инобатга олган суд ҳайъати фуқарони огоҳлантирди.

Шуни таъкидлаш жоизки, туман маҳаллаларидаги айрим жиноятга мойил шахсларни жамоатчилик олдида изза қилиш, зарур бўлса уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ишга жойлаштириш кутилган натижани бермоқда. М. Жаҳонгир ёш бўлишига қарамай, кўпчилик орасида ёмон ном чиқаришга улгурди. У маст ҳолда маҳалладошини ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, маънавий зарар етказгани учун суд ҳукмига ҳавола қилинди. Жаҳонгир кўпчилик олдида афсусда эканлиги, келгусида бу каби ҳаракатларни содир этмаслигини айтиб, жабрланувчидан кечирим сўрагани учун суд томонидан енгиллик берилди. У энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жаримага тортилди.

Тумандаги Сарой маҳалласида яшовчи Ж. Олимжон, Ю. Одилжон ҳам спиртли ичимлик ичиб, хурмача қилиқлари билан маҳалладошлари тинчини бузишди. Уларни тартибга чақирмоқчи бўлганларни ҳақорат қилиб, жамоатчилик орасида обрўларига путур етказишди. Ҳар икки ҳуқуқбузар суд қарори билан жаримага тортилди.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларни оммавий маданият, ахлоқсизлик каби миллий қадриятларимизга зид иллатлар таъсиридан сақлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, жумладан, профилактика инспекторлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жиноят ишлари бўйича Поп туман суди томонидан Янги ҳаёт қишлоғида ўтказилган сайёр суд мажлисида бир гуруҳ шахсларга нисбатан одилона жазо чоралари қўлланилди.

Масалан, У. Ҳусанбой кўчадан уйига маст ҳолда келиб, жанжал чиқарган. Фойдали меҳнат билан шуғулланиб, тенгдошларига ўрнак бўлиш ўрнига топганини ичкиликка сарфлаётган бу йигитнинг қилмишидан қўшнилар ҳам безор бўлишган. Уни тартибга чақириш учун етиб келган профилактика инспекторининг қонуний талабига бўйсунмаган. Маҳалладошлари олдида ножўя хатти-ҳаракатидан уялиб, пушаймон эканлигини айтган Ҳусанбойга 7 кунлик маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Ярим асрдан кўпроқ умр кўрган А. Назарали жияни Воҳиджонни тартибга чақираман деб, қуюшқондан чиқиб кетди. Унга тан жароҳати етказди. Суд уларнинг ўзаро қариндош эканлиги, қилмишидан пушаймон бўлиб, ярашиб олганликлари сабабли ҳар иккисини огоҳлантирди. Улар маҳалладошлари олдида бундай ҳуқуқбузарликни бошқа содир этмасликка сўз беришди.

Фуқаро Ғ. Ёқубжон спиртли ичимликка ружу қўйгани боис профилактик ҳисобга олинган. Оиласида тез-тез жанжал бўлиб туради. Бу гал ҳам оёғида тура олмайдиган бўлиб келган Ёқубжон ўғли Нозимжон билан гап талашиб, унга тан жароҳати етказди. Сайёр суд мажлисида ота-боланинг ўзаро келиша олмагани маҳалла аҳли томонидан қораланиб, бундай можаролар жамиятимизга ёт эканлиги таъкидланди. Бадфеъл отанинг пушаймонлиги, маҳалладошлари олдида изза бўлганлиги инобатга олиниб, уни огоҳлантириш билан чекланилди.

Келгусида ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳозирдан ҳар томонлама етук, билимли, маънавий жиҳатдан юксак авлодни вояга етказиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун нафақат оила ва таълим муассасалари, балки жамиятнинг барча бўғинлари масъулдир. Шу боис мамлакатимизда келажак эгалари жисмонан ва маънан етук бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бироқ шунга қарамай айрим ёшлар жиноят кўчасига кириб қолаётгани ачинарлидир. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан кенг жамоатчилик ўртасида очиқ мулоқот ва учрашувлар ўтказилмоқда.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**
*Наманган вилояти.*

## Саф кўриги

# БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК



**Меҳр-мурувват ва саховат айёми – Наврўзи олам тантаналари олдидан республика Ички ишлар вазирлиги Марказий аппарати шахсий таркиби ўртасида саф кўриги ўтказилди. ИИВ бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари шахсий таркиби ва раҳбарлари Тошкент шаҳар ИИББ жанговар тайёргарлик марказига йиғилди. Унда асосий эътибор ходимларнинг ташқи кўринишига қаратилиб, хизмат кийимини кийиш тартибига амал қилишлари яна бир бор назоратдан ўтказилди.**



Саф кўригида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев иштирок этиб, байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва тантанани нишонлаш жараёнларида барча шахсий таркиб хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий амал қилиши зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, хизмат ки-йимини белгиланган тартибда кийиш, фуқаролар билан муомалада касб одобномасига риоя этиш, ходимлар ҳушёрлиги ва жанговар шайлигини янада ошириш юзасидан лозим бўлган вазифаларни кўрсатиб ўтди. Шунингдек, саф кўриги чоғида шахсий таркиб томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан соҳавий хизматлар раҳбарларига тегишли топшириқлар берди.

Кўрик давомида ИИВ шахсий таркиби оркестр садолари остида шаҳдам қадамлар билан сафдан ўтди.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**капитан.**

**Суратларда:** *Саф кўриги пайти.*
**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.**

## Хабарлар

# ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР

Жорий йилнинг 13-14 март кунлари республикамизда бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида ички ишлар идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

Республика Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари ходимлари ушбу тадбирни кўтаринки руҳда қарши олишди. Шу куни шахсий таркиб белгиланган режа асосида ажратилган ҳудудни ободонлаштирди. Бундан ташқари, теварак-атроф ва хизмат хоналари тозаланиб, саришта ҳолга келтирилди. Ҳар бир ходим ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажариб, хайрия ҳашарига муносиб ҳисса қўшди.

**Зуҳра БЎРИЕВА.**

* * *

**ҚАРШИ.** Наврўз умумхалқ байрами арафасида уюштирилган ҳашарда қашқадарёлик ички ишлар идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этиб, бошқарма, соҳавий хизматлари, шаҳар-туман ички ишлар бўлимлари маъмурий бинолари атрофи ободонлаштирилди. Кўчалар, ариқлар тозаланиб, ички ишлар идораларининг барча маъмурий биноси атрофи оқланди. Шунингдек, мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилиб, гул кўчатлари ўтқазилди.

**Ўз мухбиримиз.**

* * *

**ГУЛИСТОН.** Меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз айёми арафасида Сирдарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари умумхалқ ҳашарини «Кўчат экиб, боғ ярат» шиори остида ўтказдилар. Айтилган сўз ижроси билан ибрат деганларидек, шу куни ходимлар тегишли ҳудудлар, ички ишлар идораларининг маъмурий бинолари, ИИБга қарашли «Булбулча» мактабгача тайёрлов муассасаси атрофларини тозалаш, дарахтларни оқлаш билан бирга манзарали ва мевали дарахтлар экдилар.

**Назиржон ЖЎРАЕВ.**

* * *

**НАВОИЙ.** Умумхалқ ҳашари вилоят ИИБда ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. Шу куни ходимлар томонидан бошқарма ҳовлисига гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилди. Дарахтларни оқлаб, шакл бериб, кўча ҳамда йўлкаларни тартибга келтиришди. Бир сўз билан айтганда, барча ходимлар ўз иш жойларини янада обод гўшага айлантиришда фаол иштирок этишди.

**Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,**
**лейтенант.**

* * *

**НУКУС.** Мамлакатимизда бўлиб ўтган кенг қамровли мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ тизимидаги ходимлар, шунингдек, ишчи-хизматчилар ҳам фаол иштирок этиб, умумхалқ ҳашарининг уюшқоқлик билан ўтиши ва самарали якунланишида ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишди. Тегишли хизматлар жойлашган бинолар атрофи тозаланиб, кичик ариқлар қайта қазиб чиқилди. Манзарали дарахтлар ости оҳакланиб, қуриган шох-шаббалардан халос этилди.

Бундан ташқари, ички ишлар ходимлари маҳалла ва овулларда йиғилган ахлатларни тозалашда, уларга ўз вақтида зарур техникалар етказиб беришда, айниқса, кўчалардаги кўп сонли ҳашарчиларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмати катта бўлди.

**Дурдибой ЖУМАНИЁЗОВ.**



## Меҳрибонлик

### БОЛАЖОНЛАРГА СОВҒАЛАР

**Азал-азалдан йиқилганни суяш, чорасиз, кўнгли ўксик инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос фазилат сифатида улуғланиб келади. Наврўз арафасида Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вакиллари оталиққа олинган Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйига ташриф буюришди.**

Тадбирда 59 нафар тарбияланувчиларга спорт кийимлари топширилди. Бундан ташқари, футбол ва волейбол тўплари, шахмат-шашка жамланмалари, 400дан зиёд бадиий адабиётлар болажонларга совға қилинди.

Шодиёналар байрам дастурхони атрофида давом этди. Бир гуруҳ санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, ўйин кулгулар даврага ўзгача файз бағишлади.

**Р. СОДИҚОВ.**

*Қашқадарё вилояти.*

**Хоразм вилояти ИИБ шахсий таркиби йил бошида Урганч шаҳридаги вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Меҳрибонлик уйини оталиққа олганди. Айни кунда бу ерда 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган 20 нафардан зиёд бола тарбияланмоқда.**

### МУРУВВАТ АЙЁМИ

Бошқарма шахсий таркиби Наврўз умумхалқ байрами арафасида ушбу муассасада бўлиб, болалар уйини ободонлаштириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширишди. Мавжуд ер майдони ва ҳовли чиқиндилардан тозаланиб, дарахтларга шакл берилди. Шунингдек, яхши ният билан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Махсус жамғарма ҳисобидан болаларга 270 минг сўмлик кийим-кечаклар ҳамда ўйинчоқлар совға қилинди.

– Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кўрсатилаётган бундай беғараз ёрдамдан жуда миннатдормиз, – дейди Меҳрибонлик уйи бош шифокори Людмила Дзугаева. – Осойишталик посбонларининг ёрдами билан муассасамиз ўзгача бир қиёфа касб этди. Айниқса, кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, биноларимизнинг дид билан таъмирланиши, болажонларимизга меҳр-мурувват кўрсатилгани осойишталик посбонларининг бағрикенглиги ва саховатпешалигидан далолатдир.

**Худойберган РАЗЗОҚОВ.**

*Хоразм вилояти.*

### ҲОМИЙЛАР МЕҲР КЎРСАТИШДИ

**Жиззах вилояти ИИБнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида тузилган бу йилги режасида Зарбдор тумани Бўстон қўрғонида жойлашган махсус мактаб-интернатга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Шу боис вилоят ва туман ички ишлар идораларининг масъул ходимлари тез-тез ушбу масканга ташриф буюриб туришади.**

– Ички ишлар бошқармаси томонидан бизга кўрсатилаётган ёрдамдан жуда хурсандмиз, – дейди мактаб-интернат бўлим мудири Ойдин Эгамова. – Яқинда ичимлик суви билан таъминлайдиган тармоқ таъмирланди. Наврўз байрами арафасида 40 нафар ўғил-қизга кийим-кечак тиктириб беришди. Кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдормиз.

Айём муносабати билан интернатда бўлиб ўтган тадбирда ана шундай илиқ гаплар айтилди. Байрам дастурхони ёзилди. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар вилоятда ёшлар ҳамда ногирон болаларга кўрсатилаётган эътибор тўғрисида гапиришди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

*Жиззах вилояти.*

## 2010 йил – Баркамол авлод йили

# ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



**Баркамол авлод йили муносабати билан ёшларга кўрсатилаётган эътибор янада кучайтирилди. Фарғона вилояти Учкўприк тумани ички ишлар бўлими томонидан ҳам бу борада талайгина ишлар амалга оширилаяпти.**

Туман ИИБ паспорт бўлинмаси халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари билан ҳамкорликда билим даргоҳларида учрашувлар ўтказиши одат тусига кирди. Учкўприк Агросаноат ва сервис коллежида ташкил этилган тадбир ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Унда туман ИИБ бошлиғи, подполковник Э. Раҳимов иштирок этиб, ички ишлар ходимлари томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирди.

Шу куни коллеж ўқувчиларига фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилди.

— Қўлингизга олаётган фуқаролик паспорти комил инсон бўлиб вояга етганингизни билдиради, — деди подполковник Э. Раҳимов ёшларни қутлар экан. — Энди сиз ўз билим ва иқтидорингиз билан юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишингиз зарур.

Бундай тадбирлар бошқа илм масканларида ҳам ташкил этилаётгани қувонарлидир. Туман паспорт бўлинмаси ходимлари шунингдек, маҳалла, корхона ва ташкилотларда бўлиб, паспорт тартиботи қоидалари бўйича тушунча беришаяпти.

**Абдувосит СИДДИҚОВ.**

**Суратда:** *туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор З. Тўлаганов ёшларга фуқаролик паспорти топшираяпти.*

*Фарғона вилояти.*

## Миннатдорлик

# ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИГА ТАШАККУР!

**Андижон вилояти ИИБ бошлиғи генерал-майор Б. Сидиқов номига Қўрғонтепа туманида яшовчи фуқаро Жалолиддин Тўрашбоевдан миннатдорлик хати келди. Мактубда жумладан шундай дейилади:**

«2010 йил 8 февралдан 9 февралга ўтар кечаси номаълум шахслар ҳовлимизга кириб молхонадаги сигиримизни ўғирлаб кетишганини сезиб қолдим. Ҳалол меҳнатим эвазига сотиб олган молимга ғараз ниятли кимсалар кўз олайтириб ўғирлашиб, ҳатто дарвозамни устидан қулфлаб кетишибди.

Тунда молимни излаб кетаётгандим, шу ҳудудда хизмат ўтаётган икки нафар ички ишлар ходимларини кўрдим ва уларга бўлган воқеани тушунтириб, молимни қидириб топишда ёрдам сўрадим. Улардан бири шу куни Дардоқ қишлоғида бозор бўлишини айтиб зудлик билан у ерга бориш кераклигини айтди. Бозорга етиб боргач, ходимларга сигиримнинг белгилари ва рангини айтиб машинада қолдим. Бироздан сўнг мол бозорда икки-уч нафар одамлар бир-бири билан тортишаётганини эшитиб, югуриб бозор ичига кирдим. Не кўз билан кўрайки, сигиримни ва уни ўғирлаган йигитни ички ишлар ходимлари ушлаб туришган экан. Бу вақтда қувончимнинг чеки йўқ эди.

Касбига фидойилик билан ёндашган Қўрғонтепа тумани ИИБ инспектор-кинологи, кичик сержант Илҳомжон Дадажоновга ҳамда милиционер-ҳайдовчи, сафдор Саидакмал Жаҳонгировга оила аъзоларимиз номидан чексиз миннатдорлик билдираман. Бундай фидойи осойишталик посбонларининг хизматларида муваффақиятлар тилайман».

## Ёшлар – келажак пойдевори

# ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРАЯПТИ

**Ёшлар ҳар жиҳатдан етук ва баркамол бўлиб ўсиши учун ҳукуматимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилган. Эндиликда ана шу имкониятлар туфайли илм, санъат ва бошқа соҳаларда улар эришаётган ютуқлар яққол кўзга ташланмоқда. Лекин шунга қарамай онда-сонда бўлса-да, тарбияси оғир болалар учраб турибди. Ёш авлодни тўғри йўлга бошлаш ва баркамоллигини таъминлашда ҳар кимнинг ўз ўрни, қўшадиган ҳиссаси бўлиши шарт.**

Бу долзарб масалага пойтахтнинг Ҳамза туманида ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Баркамол авлод йили муносабати билан туман ИИБ ходимлари барча маҳалла, мактаб ва коллежларда учрашувлар ўтказиб, таълим-тарбиянинг муҳим жиҳатлари хусусида фикрлашиб олишмоқда.

Шундай тадбир 198-мактабда бўлиб ўтди. Унда прокуратура ходимлари, маҳаллалар оқсоқоллари, профилактика инспекторлари ва маҳалла посбонлари иштирок этишди. Очиқ ва самимий тарзда ўтган мулоқотда гиёҳвандликка қарши кураш, ақидапарастлик ва диний экстремизм каби ёт иллатлар жамиятимиз ривожига салбий таъсир кўрсатиши алоҳида таъкидланди. Муҳими, катталар қаторида мактаб ўқувчилари ҳам бу борадаги мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, лейтенант Ойбек Фахриддиновнинг таъкидлашича, йил бошидан буён шу мавзуга бағишланган учрашувлар мунтазам ўтказиб келинаётгани самара бера бошлади. Масалан, вояга етмаганлар, тарбияси оғир болалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,5 фоизга камайган. Бунда соҳа ходимларининг илм масканлари, боғчалар, коллеж ҳамда маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйгани асосий омил бўлаётир.

Бундан ташқари, мактабларда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилаётган профилактик суҳбатлар, спорт тўгараклари қайта ривожлантирилаётгани ҳам ёшлар ҳар дақиқадан мазмунли фойдаланишига имкон бермоқда. Шу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратмоқчимиз. Ўтган йилнинг дастлабки ойларида вояга етмаганлар томонидан 13 марта қонун бузилишларга йўл қўйилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич иккитани ташкил этди. Ёки туман бўйича ўқувчиларнинг дарсга келиши ва ўзлаштириши 72 фоиз бўлса, эндиликда 96 фоизга кўтарилган. Бундай ижобий ўзгаришларда ўтказилаётган тадбирларнинг ўрни катта эканлигини таъкидлаш жоиз.

Туман ички ишлар бўлими раҳбариятининг айнан шу мавзуга йўналтирилган режалари кўп. Йил давомида уларни татбиқ этиш учун барча ходимлар жалб қилинган.

**Клара АЗИМОВА.**
**Абдусами ҚОДИРОВ.**

*Тошкент шаҳри.*

# ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**Юртимиз мустақилликка эришгач, асосий эътибор ёшларнинг ўқиб, ўрганиб, баркамол инсон бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитлар яратишга қаратилди. Айниқса, олий ўқув юртларида бўлажак мутахассис кадрларни тайёрлаш учун замон талаблари асосида ёндашилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли олий таълим муассасаларида ҳам бу борада эътиборга молик ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида бўлажак ёнғин ўчирувчиларни ўз касбининг барча сир-асрорларини мукаммал эгаллаган етук мутахассис бўлиб етишишлари учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги соҳаси бўйича бажариладиган долзарб комплекс илмий-тадқиқот ишлари, дарсликлар, маърузa тўпламлари, услубий қўлланмалар, илмий мақолалар, ўқув-услубий адабиётлар, диссертация тадқиқотлари чоп этилиб, бугунги кунда курсантларга дарслик сифатида ўтилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мактаб профессор-ўқитувчилари, шунингдек, курсантлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотлар, амалий ишлар талайгина.

Шунингдек, Мактаб илмий-тадқиқот маркази бошлиғи, доцент, полковник М. Усмонов томонидан «Қийин ёнувчан материалларни яратиш ва ёнғиндан хавфсиз полимер ва пардозлаш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муаммолари» мавзусидаги илмий ишнинг халқ хўжалигига татбиқ қилиш муаммоларига илмий жамоатчиликнинг ва тадбиркорларнинг жалб қилиниши, ҳамкорликка чақирилиши соҳадаги ютуқлардан бири дейиш мумкин. Хусусан, полковник Х. Шариповнинг илмий изланишлари ҳам келажакда курсантлар билимларини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади деб ўйлаймиз.

Мактаб профессор-ўқитувчилари жамоаси ва илмий тадқиқотчилари 20 га яқин халқаро ҳамда республика миқёсидаги анжуманлар, семинарларда қатнашиб, фаоллик кўрсатишди. Бу эса олий мактабда курсантлар – бўлажак ўт ўчирувчиларга берилаётган таълим, мутахассислик бўйича тайёргарликнинг қай даражада эканлигини кўрсатади. Негаки, олий билим юртида олиб борилаётган ҳар бир илмий-тадқиқот ишлари, кашфиётлар курсантлар билим савиясини янада ошириб бормоқда. Зеро, билимли, етук мутахассислар – юрт таянчи, келажакни яратувчи буюк кучдир.

**Умида БОЛЛИЕВА,**
**«Постда» мухбири.**

Байрам кунларида

# ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ТАДБИРЛАР

**Баҳор ўз сепини ёйиб, юртимизга Наврўз ҳам кириб келди. Бу даврни халқимиз бежиз иш бошига қиёсламайди. Чиндан-да, ҳамма жойда ободончиликка киришилган. Дарахтларга шакл берилиб, гул ва мевали дарахтлар ниҳоли экилаяпти, далалар оби-тобига келтирилмоқда. Бизда айём муносабати билан турли тадбирлар, миллий ўйинларни кенг тарзда ўтказиш, сумалаклар пишириш, лапарлар айтиш билан бир қаторда беморлар, ногиронлар ва кексаларни йўқлаш анъанага айланган.**



Наврўзи олам пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Дўмбиробод маҳалласида ҳам ўзгача шукуҳ билан кутиб олинаётир. Тўққиз минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган хонадонлар, кўп қаватли уйлар атрофи ва йўлаклар аллақачон тартибга келтириб қўйилган. Кўчаларнинг барчасида болажонларга мўлжалланган кичик спорт мажмуалари ҳашар йўли билан бунёд этилди.

Маҳалла оқсоқоли Комилжон Қаюмовнинг таъкидлашича, байрамни мазмунли ўтказиш учун алоҳида режа асосида тадорик кўрилган. Шу куни гузарда турли тадбирлар, миллий ўйинлар бўлиб ўтади. Бундан ташқари, «Энг намунали оила», «Энг яхши тадбиркор» номинациялари бўйича танловлар, каштачилик, зардўзлик ва бошқа йўналишларда баҳслар ташкил этилади.

Маҳаллада кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон ва юз ёшни қаршилаётган инсонлар бор. Улар доимо меҳр-мурувватга муҳтож. Шу боис маҳалла фаоллари иштирокида бундай кишилар ҳолидан хабар олиш, совға-саломлар улашиш диққат марказида. Ҳар куни 5-7 нафар кишининг хонадонига кириб, мурувват кўрсатилаяпти, тадбиркорлар томонидан совғалар улашилмоқда.

– Наврўз байрами мазмунли ва қизиқарли ўтиши учун фаоллар ҳамкорлигида алоҳида режа тузиб олганмиз, – дейди профилактика инспектори, капитан Зокир Эргашев. – Унга кўра, турли миллий ўйинлар ва тадбирлар билан бирга «Сиз қонунни биласизми?», «Баркамол авлод–менинг тақдирим» каби мавзуларда суҳбатлар уюштирилаяпти. Маҳалланинг энг яхши хонадони, деб топилган оилага махсус совғалар ҳам ажратилган.

Сирасини айтганда, мазкур масканда байрам муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар самараси ёшлар таълим-тарбияси, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлаётганини ўтган даврдаги таҳлиллардан англаб олиш қийин эмас. Масалан, кейинги беш йил давомида бу ерда гиёҳвандлик, ақидапарастлик каби халқимизга хос бўлмаган иллатлар қайд этилмади. Аксинча, икки йил аввал 14 нафар вояга етмаганлар рўйхатда турарди. Ҳозир эса уларнинг барчаси фойдали меҳнатга жалб этилган.

Шу боис ҳам дўмбирободликлар тажрибаси туман миқёсида оммалаштиришга киришилган.



**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**

**Суратларда:** *маҳалла оқсоқоли К. Қаюмов бир гуруҳ фаоллар билан; профилактика инспектори, капитан З. Эргашев хизмат пайтида.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.**

**Юртимизда Наврўз байрами нишонланаётган пайтда ёнғинлар ва бошқа кўнгилсизликлар рўй бермаслиги учун республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан бир қатор профилактик ишлар амалга оширилаяпти. Бу борадаги амалий ва ташкилий тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жойларга ижро учун юборилди.**

# ДИЛЛАРГА ЗАВҚ-ШАВҚ БАҒИШЛАЙДИ

Соҳа ходимлари шодиёналар ташкил этиладиган хиёбонлар, истироҳат боғлари, маҳаллаларга ташриф буюриб, ушбу ҳудудларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришди. Шунингдек, улар атрофида жойлашган корхона, ташкилот, халқ хўжалиги масканлари, кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди.

Байрам кунлари сумалак, ҳалим каби Наврўз таомлари пишириш учун тунги пайтлар одамлар билан гавжум бўладиган масканларда 1600 маротаба текширувлар ўтказилди.

Профилактик ишлар давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган жавобгар ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Тадбирлар ўтадиган жойлар атрофидаги масканлар ёнғин хавфсизлиги талаб даражасига келтирилгунга қадар вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар юзага келганда зудлик билан ҳаракат қилиш, тезкор вазиятни бошқариш мақсадида ёнғин хавфсизлиги хизматининг ёнғин ўчирувчилари байрам ўтадиган жойлар ва улар атрофида жойлашган масканларда ёнғинни ўчириш бўйича тактик машқ ва машғулотлар ўтказдилар.

Бир сўз билан айтганда, Наврўз айёми дилларга завқ-шавқ бағишлаши, ёнғин ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларсиз ўтиши учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

**Анвар ХУДОЙҚУЛОВ, майор.**

Огоҳлик – давр талаби

# БАЙРАМ ОСОЙИШТА ЎТАДИ

**Ўлкамизга янгиланиш, уйғониш, яшариш айёми Наврўзи олам кириб келди. Халқимизнинг бу азалий байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида республика ички ишлар идоралари томонидан жойлардаги ҳокимликлар вакиллари билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати, ёнғин ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Тозалаш – Антитеррор» кенг қамровли тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда. Тадбир давомида ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди.**

– Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида жойларда тезкор штаблар ва ишчи гуруҳлари тузилди, – дейди ИИВ ППХ ва ЖТСББ бўлим бошлиғи, майор Б. Шокиров. – Мақсад фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлашдан иборатдир.

Тадбир жараёнида жамоат тартибини бузганлиги ёки шубҳа уйғотганлиги учун ички ишлар идораларига бир қатор шахслар олиб келинди. Бунинг натижасида 801 та жиноят фош этилди, 237 нафар қидирувда бўлган шахслар ушланди, 80 нафар бедарак йўқолганлар аниқланди.

Фуқаролар тинчлиги, осойишталигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган уч минг нафарга яқин шахс реаблитация марказларига жойлаштирилди. Паспорт-виза қоидаларига амал қилинишини таъминлаш бўйича олиб борилган текширувлар давомида тўқсон мингга яқин қоидабузарликлар аниқланиб, маъмурий баённомалар тузилди.

Хавфсизликни таъминлаш ва профилактик ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида маҳалла, корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида «Огоҳлик давр талаби», «Ўз уйингни ўзинг асра» каби мавзуларда учрашувлар ўтказилди.

Бу ишларни амалга оширишда кенг жамоатчиликнинг кўмаги, амалий ёрдами беқиёсдир. Чунки ҳамкорлик мустаҳкам жойдагина осойишталик таъминланади. Шу билан бирга, ҳар бир фуқародан зийраклик, эътибор, ҳушёрлик ва огоҳлик талаб этилади. Зеро, барчамиз улуғ байрам, тинч, осуда ва аъло даражада ўтишига масъулмиз.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ, «Постда» мухбири.**

«Тозалаш – Антитеррор»

# ПУХТА ТАРАДДУД КЎРИЛДИ

**Хоразм воҳасида Наврўз байрами муносабати билан тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник Қадам ДАВЛЕТОВ қуйидагиларни гапириб берди:**

– Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз халқимизнинг энг қадрдон айёмларидан бирига айланиб улгурди. Бу қутлуғ кунни халқимиз ҳар йили шоду хуррамлик билан кутиб олади. Боғлар, сайилгоҳлар, хиёбон ва гузарларда байрам тадбирлари аллақачон бошлаб юборилган. Албатта, шодиёналар тинч ва осойишта ўтишида ички ишлар идоралари ходимлари бор маҳоратларини ишга солишади. Шу боис, улар ҳушёрликни янада ошириб, белгиланган режа асосида хизматни кучайтирилган тартибда давом эттиришмоқда.

Мана бир неча кундирки, фуқаролар йиғинлари фаоллари, маҳалла посбонлари ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат гуруҳлар вилоят ҳудудида ўтаётган «Тозалаш – Антитеррор» тадбирининг моҳиятини кенг оммага тушунтиришмоқда. Ички ишлар ходимлари ҳар бир хонадонда бўлиб, паспорт-виза тартиботи ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини текширишаяпти. Шунингдек, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини қонунга хилоф равишда савдо қилишга чек қўйиш, профилактик ҳисобда турган фуқаролар билан тушунтириш ишлари олиб бориш, вилоятдан узоқ муддатга чиқиб кетган ва қидирувдаги шахсларни излаб топиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг гиёҳвандлар, турли норасмий диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар ва туман бўлимлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари билан биргаликда ҳаракат қилинаяпти. Хусусан, дарсларга кирмай мақсадсиз юрган ва назоратсиз қолган ўсмирларни аниқлаб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Айниқса, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини вилоятимиз ҳудудидан ноқонуний равишда олиб чиқиш, бозорларда нарх-навонинг асоссиз равишда ошишига сабаб бўлаётган ҳолатларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Хуллас, Наврўз байрами тинч, осойишта ва кўтаринки руҳда ўтиши учун барча зарур чоралар кўрилган.

**Худойберган ЖАББОРОВ ёзиб олди.**

Саховат

# МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

**Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти Гулистон шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ички ишлар ходимлари баҳор айёми арафасида бу ерда ҳашар уюштириб, ободонлаштириш ишларини олиб боришди. Яқинда болажонлар учун яна бир хайрли иш қилинди. Вилоят ИИБ раҳбарияти вакиллари Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, ўттиз нафар тарбияланувчига совға сифатида кийим-бош тарқатишди.**



– Меҳр-мурувват ҳар куни керак, – дейди вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник Юсуф Тошбоев. – Кўнгли ўксик болажонларга кўрсатилган саховатдан уларнинг қалбида мамнунлик пайдо бўлишидан дилимиз яйради. Мурувват кўрсатиш халқимизга хос улуғ фазилат. Ёшларимиз кўп йиллик анъанани давом эттираётганидан фахрланамиз.

Шу куни тарбияланувчилардан тўрт нафарига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ҳам топширилди.

**Тўлқин МАЖИДОВ, подполковник.**

**Суратда:** *вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор О. Абдуллаев Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совға топширмоқда.*

Эътибор

# САВОБ ИШ КУНДА КЕРАК

**Бу соҳа вакилларининг қилаётган ишлари кўзга ташланиб турмайди. Аммо уларнинг мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун қўшаётган ҳиссалари бошқаларникидан асло қолишмайди. Улар халқимизнинг тинч ва осойишта турмушини таъминлаб турган ички ишлар идоралари ходимларидир.**

Шуни алоҳида айтиш жоизки, бошқа соҳалар вакиллари каби ички ишлар идораларининг хизматлари, уларнинг фидокорона меҳнати ҳар қандай эътибор ва эътирофга сазовор. Агар бундай ҳурмат ва эътибор ўз вақтида кўрсатилса айни муддаодир. Бундай эътибор уларни янада самарали ишлашга, зиммаларидаги вазифани астойдил ва аъло даражада бажаришга даъват этади.

Ўтган йили Навоий вилояти ИИБ бўйича икки нафар ходим хизматда яхши натижаларга эришгани учун «Содиқ хизматлари учун», уч нафар ходим эса «Жасорат» медали билан мукофотландилар. Республика Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан ўн нафар ходим «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони билан тақдирланди. Кўплаб ходимлар навбатдаги хизмат унвонларини олишга муваффақ бўлдилар.

Бугун соҳада хизмат қилаётган ҳар бир ходим бошқарма ҳамда туман, шаҳарлардаги бўлимлар раҳбарияти эътиборида, десак муболаға бўлмайди. Бу эътибор ходимларнинг фидокорона меҳнатларини ҳисобга олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, турмуш шароитларини, саломатликларини яхшилаш учун ғамхўрлик қилиш билан изоҳланади.

Вилоятимизда ички ишлар идораларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, обрў ва эътибор билан нафақага чиққанлар орасида 5 нафар киши Иккинчи жаҳон уруши иштирокчисидир. Шунингдек, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳаётдан бевақт кўз юмган ходимлар сони 5 кишини ташкил этади. Ўтган йили Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан отахон фахрийларимиз ҳамда вафот этганларнинг оиласига муносиб равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Нафақат ушбу сана, балки бошқа байрамларда ҳам уларга ана шундай эътибор кўрсатилмоқда. Чунончи, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Навоий шаҳридаги сўлим гўшалардан бирида хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган, ногирон бўлиб қолган ва серфарзанд ходимларнинг фарзандлари учун байрам дастурхони ёзилиб, меҳр-мурувват кўрсатилди. Бундай оилаларнинг ўрта мактабларда таълим олаётган болаларига ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун июнь ва июль ойларида Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли машҳур «Сармиш», «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Офтобжон», «Қизилқумцемент» очиқ акционерлик жамиятига қарашли «Шаббода» ва «Ишонч» болалар оромгоҳларига йўлланмалар тақдим этилди. Ушбу оромгоҳларда бугун хизмат бурчини ўтаётган ходимларимизнинг фарзандлари ҳам ҳордиқ чиқариб қайтдилар.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ва ногиронликка учраган 12 нафар ходимнинг мактаб ёшидаги 24 нафар фарзандларига 350 минг сўмлик мактаб ўқув қуроллари байрам совғаси сифатида тарқатилгани ҳам ушбу оилаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашнинг бир кўриниши демакдир. Биз моддий ва маънавий ёрдам беришнинг бошқа йўлларидан ҳам фойдаланмоқдамиз. Масалан, республика Ички ишлар вазирлигининг Ашула ва рақс ансамбли Навоий ҳамда Зарафшон шаҳарларида, Хатирчи тумани марказида хайрия концертларини ўтказди. Ушбу концертлардан тушган 1 миллион 305 минг сўм маблағ моддий ёрдамга муҳтож бўлган ички ишлар идоралари фахрийлари, хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ходимларнинг оилаларига тарқатилди.

Янги йил арафасида эса Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида ташкил этилган байрам тадбири шаҳарлар ва туманларимизда хизмат қилаётган ходимларимизнинг юзлаб фарзандлари учун унутилмас ва қувончли кун бўлди. Тадбирнинг шу жиҳати диққатга сазоворки, унда бугун меҳнат қилаётган ҳамда хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларимизнинг 500 нафар ўғил ва қизларига Янги йил совғалари берилди. Ушбу тадбирни ўтказишда ва байрам совғаларини тайёрлашда Навоий шаҳридаги кўплаб корхона ва ташкилотлар астойдил хизмат кўрсатганлиги ички ишлар идоралари ходимлари хизматининг эл-юрт томонидан эътироф этилиши нишонасидир. Бундан руҳланган ходимларимиз ўз хизмат вазифаларини бекаму кўст бажариш, эл-юрт тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш учун билим ва салоҳиятларини ишга солмоқдалар.

**Ш. ЭРМАТОВ, Навоий вилояти ИИБ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, капитан.**

# ЖАМОАТЧИЛИК КЎМАГИДА

**Фарғонада Наврўз байрами юксак кўтаринкилик билан ўтиши учун барча имкониятлар ишга солинаяпти. Вилоят ҳудудида ўтказилаётган кенг қамровли «Тозалаш–Антитеррор» тадбири ҳам шу мақсадга қаратилган.**

Қўқон шаҳрида тадбир муносабати билан ташкил этилган йўл-йўриқ кўрсатиш жараёнида вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, шаҳар ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, шаҳар ва атроф туманлар ички ишлар идоралари ходимлари, ташкилот, корхона ва муассасаларнинг вакиллари, шаҳар жамоатчилиги иштирок этди.

Шаҳар ҳокими Ш. Собиров, вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Ғ. Боборахимов, республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари, полковник Ғ. Болтабоевлар тадбир давомида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан батафсил йўриқнома беришди.

Тадбир давомида шаҳарнинг барча маҳаллаларида паспорт-виза қоидаларига риоя этилиши, ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турганлар, муқаддам судланганлар, гиёҳвандлар ва бошқа тоифадаги шахслар билан профилактик ишлар олиб борилиши, ов қуролларининг сақланиши, жойлардаги санитария ҳолатлари ва ободончилик ишлари текширилади.

Дастлабки куни жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими ходимлари гиёҳвандлик билан боғлиқ иккита жиноятни фош этишди. Қўқонлик Собиржон исмли шахс гиёҳвандлик моддаларини сақлашда гумонланиб, холислар иштирокида текширилганда, унинг ёнида 0,019 грамм героин борлиги маълум бўлди. Носиржон исмли йигит эса чўнтагида 0,026 грамм марихуана сақлаб юргани аниқланиб, ИИБга олиб келинди.

Йўлларда ҳаракатланиш маданиятини тарғиб қилиш, йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларга тегишли тартибда чоралар кўриш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Пиёдалар ва транспорт воситалари ҳайдовчилари иштирокида содир этилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган рейдлар давомида йўлларда ҳаракатланиш интизоми ва қоидаларини бузган ўнлаб ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, автомашиналари жарима майдончаларига олиб кириб қўйилди.

Тадбир вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**

*Фарғона вилояти.*

**22 март – Мирзо Улуғбек таваллуд топган кун**

# ЮЛДУЗЛАР ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

**Улуғбек 1394 йилнинг март ойида Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида, бобоси Темурнинг ҳарбий юриши пайтида туғилди. У Шоҳрух Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, унга Муҳаммад Тарағай исми берилган, лекин болалигидаёқ у Улуғбек деб атала бошлаб, бу исм кейинчалик унинг асосий исми бўлиб қолди.**

**Бугун Улуғбекни эсламоқ – асрлар тарихий адолатини ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламоқ, кўнгилларни ифтихорга тўлдирмокдир. Ва бизнинг миллий-маънавий илдизларимизнинг нақадар теран ва нақадар бақувват эканлигини исботламокдир.**

**Ислом КАРИМОВ.**



Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришларида ўтди. 1405 йил Хитойга қилинаётган юриш бошида Темур вафот этгач, икки йил давомида унинг авлодлари ўртасида тахт учун кураш давом этди ва бу курашда Темурнинг кенжа ўғли Шоҳрухнинг қўли баланд келди. Лекин Шоҳрух ўзига пойтахт қилиб Ҳиротни танлаб, Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандни эса ўғли Улуғбекка топширди. 1411 йили эса Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинлайди. Улуғбек бобосидан фарқли ўлароқ ҳарбий юришлар билан қизиқмас, кўпроқ илм-фанга мойил эди.

У йигирма ёшларида ўз даврининг йирик олимларидан бўлиб, унинг ҳокимлиги давридаги муҳим янгиликлар бутун Ўрта аср маданияти тарихида улкан аҳамият касб этди. Улуғбекнинг ходими бўлмиш Ғиёсиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарқанддан Кошонга отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг фаолияти ва билимдонлигини қуйидагича таърифлайди: «Аллоҳга ва унинг неъматларига шукроналар бўлсунким, етти иқлимнинг фармонбардори, Ислом подшоҳи (яъни Улуғбек – А. А.) донишманд кишидирлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳақиқат шуки, аввало у киши Қуръони каримнинг аксарият қисмини ёддан биладилар. Тафсирларни ва мувассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлда сақлайдилар ва ёддан биладилар ва арабчада ғоят яхши ёзадилар. Шунингдек, у киши фиқҳдан анча хабардорлар, мантиқ маъноларининг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар.

Қисқа қилиб айтмоқчиманки, у киши бу фан соҳасида ғоят катта маҳоратга эришганлар, юлдузшуносликка тааллуқли амалларни яхши бажарадилар ва чуқур далиллар билан худди керагидек исботлайдилар. «Тазкира» ва «Туҳфа»дан шу қадар зўр дарс ўтадиларки, уларга ҳеч қандай қўшимча қилишнинг ҳожати қолмайди».

Улуғбекнинг илмга қизиққанлиги ва мамлакатнинг равнақини кўзлаганлиги туфайли янги усулдаги билим юрти – мактаб ва мадрасалар барпо қилишга қарор қилиб, деярли бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда учта мадраса барпо этади.

Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда ниҳоясига етказилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тариқа унинг Самарқанддаги астрономик мактаби шаклланади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларига қулай шароит ва паноҳ излаб Темур давридаёқ Самарқандга келган Тафтазоний, мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек Хурософнинг Кошон шаҳридан Ғиёсиддин Жамшид Кошийни чақиртиради. Самарқандга Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони 1417 йилга келиб 100 нафардан ортиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, рассомлар, меъморлар бор эди. Лекин астрономия ва математика соҳасидаги олимлар шарафлироқ ва обрўлироқ эди. Улар орасида Қозизода билан Коший энг салобатли ва нуфузли эдилар.

Улуғбек барпо этган Самарқанд мадрасаси ва илмий тўгараги Шарқ маданияти ва фани тарихида улкан аҳамият касб этди, мамлакат равнақига, шунингдек, кўп халқларнинг маданий ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бу ерда кўплаб буюк сиймолар шаклланди.

Улуғбек энг аввало астрономик изланишларни йўлга қўйиши, бунинг учун расадхона барпо этиши керак эди. Бу ҳақда Абу Тоҳирхўжа бундай хабар қилади: «Мадрасага асос солинганидан тўрт йил кейин Мирзо Улуғбек Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Муиниддин Кошонийлар билан маслаҳатлашиб, Кўҳак тепалигида Оби Раҳмат ариғининг бўйига расадхона биносини қурдиради. Унинг атрофида эса баланд ҳужралар барпо этади».

Расадхона битиши билан астрономик кузатишлар бошланиб кетади. Расадхона билан мадрасанинг биргаликдаги фаолияти Улуғбек илмий мактабида астрономия ва математикани Ўрта асрлар даврида энг юқори поғонага кўтариш имконини берди.

Давлат ишлари билан боғлиқ бўлган юриш-кўчишлар, расадхонадаги кузатишлар ва мадрасадаги дарслар, ундан ташқари илмий ишларга умумий раҳбарлик қилиш ҳам Улуғбекнинг кўп вақтини олади. Шунинг учун бўлса керак, бевосита Улуғбек номи билан боғлиқ илмий асарлар сони жиҳатдан кўп эмас – улар тўртта.

Улуғбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳури унинг «Зиж»и бўлиб, бу асар «Зижи Улуғбек», «Зижи жадиди Гурагоний» деб ҳам аталади. «Зиж»дан ташқари унинг математик асари «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола», астрономияга оид «Рисолайи Улуғбек» (ягона нусхаси Ҳиндистонда, Алигарҳ университети кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асаридир.

Улуғбек «Зиж»и ўрта асрлардаги энг мукаммал астрономик асар бўлиб, тезда замондошларининг диққатини ўзига жалб этди. Энг аввал бу асар Самарқандда Улуғбек атрофида тўпланган олимлар ижодига таъсир кўрсатди. «Зиж»ни ўрганиш шуни кўрсатадики, у асосан амалий қўлланишга мўлжалланган бўлиб, назарий масалаларни баён этишни Улуғбек олдига мақсад қилиб қўймаган. Шунинг учун бўлса керак, «Зиж»ни биринчи бўлиб Самарқанд олимларининг ўзи, хусусан Али Қушчи шарҳлайди. Ундан кейинги шарҳларни Мирам Чалабий ва Ҳусайн Биржандийлар ёзади.

1449 йили Улуғбекнинг фожиали ҳалокатидан сўнг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетадилар. Улар ўзлари борган ерларга Самарқанд олимларининг ютуқларини ва «Зиж»нинг нусхаларини ҳам етказадилар. Хусусан Али Қушчи 1473 йили Истамбулга бориб, у ерда расадхона қуради. Шу тариқа Улуғбек «Зиж»и Туркияда тарқалади ва Туркия орқали Оврўпо мамлакатларига ҳам етиб боради.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги 1994 йили апрелда Париж шаҳрида, октябрь ойида эса Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тантанали равишда нишонланди ва халқаро анжуманлар ўтказилди. Шу йили Тошкентда Улуғбекка ҳайкал ўрнатилди.

**А. АҲМЕДОВ,**
**тарих фанлари доктори.**

---

**Миллий қадриятларимиз**

# СУМАЛАГУ ҲАЛИМЛАРИ БОР ЭЛИМ

**Шаҳримиз унча катта эмасдир. Лекин кўзимга катта, чиройли кўринади. Айниқса, яхши ниятларни кўзлаб яшаётган ҳамшаҳарларим менга жуда азиз, ардоқли. Кўчамиздаги уч-тўрт йилдан бери мева қилиб турган ўрик оппоқ бўлиб гуллади. Ҳадемай мева беради. Бу – атрофдаги болаларнинг насибаси.**

**Қўшниларим турли касб эгалари. Темирчи йигит аллақачон тақ-туқини бошлаган. Белкурак, кетмон, ўроқ ясаб, бозорга олиб чиқади, хотини, болалари билан бирга тиним билмайди. Дурадгор қўшнимнинг ҳам ишлари авжида. Тўй қилаётганлар келин-куёвга у ясаётган мебелдан олишаяпти.**

Бозорга кираверишдаги дарвоза олдида баҳор кириши билан турли кўчатлар, уруғликлар савдоси қизийди. Энг савдоси чаққон жой ҳам шу ер. Бундаги яшилликни, ниҳолу кўчатларни кўриб, яна яшара бошлаган олам ҳақида ўйлайсан, киши.

Қишлоқлардаги иссиқхоналарда ниш уриб, япроқ ёзган кўчатлар ҳосилга киргач шаҳарликлар дастурхонини безайди. Мен билан қўшни турадиган келин қишлоқда туғилиб ўсган. У турмуш ўртоғи билан қишин-ёзин тиним билмайди. Баҳор эшик қоқмасдан мўъжазгина томорқада фарзандлари билан иш бошлаб юборади, помидор, бодринг кўчатлари, гул экади.

Гоҳо ўртадаги девордан бир-биримизга гул уруғими, ниҳолми узатамиз, экканларимиз қандай униб-ўсаётганини суриштирамиз. Келин сигир, бузоқ, қўй, товуқ ҳам асрайди. Ўзининг меҳнати сабабли кўнгли ҳам тўқ, дастурхони бут. Бирор марта йўқчилик деб нолигани, шикоят қилганини кўрмадим. Болалигидан меҳнат қилишга ўргангани учун ризқ яратиш оиланинг турмуш тарзига айланган.

Шаҳару қишлоқнинг бир-бирига боғлиқлиги, Оллоҳ яратган насибадан ҳар кимнинг умидворлиги бизни ҳаракат қилишга ундайди. Баҳорги юмушу ташвишлар умр давомийлиги, авлодлар қабул қилиб олаётган мероснинг қадри юксаклигини англатади.

Онам ҳар йили сумалак пиширишни яхши кўрардилар. Баҳор келиши билан дугоналарининг уйига бориб, сумалакдан гап очардилар. Беш-ўн кун оралиғида улар буғдойнинг яхшисини, кузгисини излаш, ундириш, қозон-ўчоқ тайёрлаш баҳонасида бирга бўлишар, қиш бўйи биргаликдаги суҳбату гурунгларни соғинганликлари билиниб тарарди. Буғдой кимнинг уйида ундирилаётган бўлса, бошқалар тез-тез бориб хабар олар, ҳар куни неча бор сумалакни ширин ва чиройли қилиб пишириб тарқатишларини сўраб, дуо қилишарди. Бундай пайтларда уларнинг чеҳраларидаги ташвиш, зиммаларидаги масъулият ҳар доимгидан бошқачароқ бўларди.

Онам вафот этганига бир йил тўлгандан кейин яна маҳалла аёллари сумалак тайёрлашга киришди. Илгари англамаганим – кўп нарсалар менга энди аён бўла бошлади. Буғдой Ҳалима опанинг уйида ундириляпти. Лекин мен безовтаман, уйлари совуқроқ эди, текис ниш уриб унармикан? Илгари онамнинг буғдой ундирилган хонага покизаланиб кириб, яхши тилаклар билдириши, буғдой совқотмасин, деб илиққина сув сепганлари, дугоналарини чақириб келиб маслаҳатлашганлари эсимга тушади.

Буғдой тайёр бўлиши билан қозон, ўчоқлар тайёрланди. Ўчоқ ҳозирланаётганда Ҳалима опа маҳалланинг йигитларига йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Қозон атрофида сумалак тошиб кетмаслиги учун капгир билан айлантириб туришга қулай жой ҳозирлатди. Қазилаётган ўчоқнинг атрофида парвонадай айланиб, сўзлаб турди. Сумалак пишира оладиган аёл барчадан азиз, ҳурматли саналади. Аёлларнинг тўйда, томошада ўзини тутиши, суҳбатлашиши бошқаю, сумалак устидаги суҳбатлари бошқача.

– Қани Зуҳра, бир халфа қўшиқларингдан айт! Мен пиёлани оламан. Келинлар, сизлар гап пойламасдан, сўқидаги буғдойни яхшироқ уринглар, шираси яхши чиқсин. Оловни эртароқ ёқсак, эртароқ ўчирамиз. Ҳали тунда сизлар куёвларингиз ёнига қочиб, ўчоқ ёнида биз, кампирлар қоламиз.

Гурр этиб кулги кўтарилди. Зуҳра опа қўшиғини бошлади. Ҳалима опа икки қўлига пахта гулли чинни пиёлани олиб, бир-бирига уриб, мусиқа билан жўр бўлиб турди:

**Бошлаган сумалагимиз**
**муборак бўлғай,**
**Бу йил уйларда тўю томоша**
**кўп бўлғай...**

Тўрткўлда тўйга таклиф қилинаётганларга «тўйга халфа ҳам келади» деб алоҳида айтилади. Бунинг маъноси – аёллар халфа учун рўмол олиб борадилар. Шунингдек, баъзилари пиёла билан халфага жўр бўлишни кўнгилларига тугиб қўйишади. Албатта, халфа тўрга ўтказилиб, алоҳида иззат-икром кўрсатилади. Тўйлар кейинги пайтларда эстрада хонандалари иштирокида ўтаётган бўлса-да, аёллар учун халфали тўйнинг обрўси, завқи ўзгача.

Эрталаб сумалак тайёр бўлгач барча яна қозон бошига келади. Сумалакни тарқатиш жараёни бошланади. Катта чўмич ушлаган Ҳалима опа аёлларнинг қўлларидаги идишларга сумалак қуя бошлайди. Энг олдин шу атрофдаги кекса, бемор, ногирон, уйидаги аза сабабли анжуманга келолмаганларнинг улуши бир идишга солиб, олиб қўйилади. Бир аёл масъул бўлиб, уларни уйма-уй тарқатиб чиқади. Қизлар, келинлар, сумалак қозони атрофида айланиб, кекса аёллардан дуо олишади.



Юртимизнинг ҳар бир гўшасида сумалак пишириш анъанаси ўзгача, байрамона руҳда ўтади.

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

– Йигирма йилдан бери сумалак пишираман,– дейди Ҳалима опа. – Ўтган йили Янгиобод маҳалласида пиширган сумалагим роса ширин чиқди. Шундан кейин у кимнинг хонадонида ёки бирор идора, корхона жамоаси томонидан таклиф қилиниб пиширган сумалаклари қандай бўлганини ҳикоя қилиб берди. Қозонни қаердан олгани, ўтинни ким олиб келиб берганигача ёдида туради.

Сумалак – йил янгиланиши арафасида амалга ошириладиган энг қадимий, қадрли тадбир. Миллий қадриятларимизни авайлаб, маънавиятимизни юксакларга кўтариб, фарзандларимизнинг бахту камолини тилаб яшаётган оналарнинг баҳорий суҳбатлари, баҳорий қувонч ва ташвишлари ана шундай бошланади.

**Курбонбика ЮНУСОВА.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

---

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

**Бухоро вилояти ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Ҳабиб БОЛТАЕВни халқимизнинг қадимий айёми Наврўз байрами кунларида кутлуғ 55 ёшга тўлиши муносабати билан қизғин ва самимий муборакбод этамиз. Фарзандлари ва набиралари бахту камолини кўриб, ҳамиша соғ-саломат юришини тилаймиз.**

**Хурмат билан бир гуруҳ дўстлари ва ҳамкасблари.**

**Тошкент шаҳар ИИББ ИҲҲҚ ва ЮТБ матбуот маркази бошлиғи, майор Тўлаган АБДУЛЛАЕВни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз. Яна кўп йиллар сафимизда бўлиб, ички ишлар идоралари фаолиятини кенг оммага тарғибот-ташвиқот қилишда маваффақиятлар ёр бўлсин!**

**Тошкент шаҳар ИИББ ИҲҲҚ ва ЮТБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби.**

---

**Баркамол авлод – юрт келажаги**

**Вазирлик Академиясида ўқийдиган ўғлидан хабар олгани олис Хоразмдан келган қадрдоним Қодирберганни кузатиб қайтарканман, хонтахта четидаги тўрт букланган қоғозга кўзим тушди. Бу унинг ўғли билан бирга ўқийдиган тингловчи йигитнинг ота-онасига ёзган мактуби эди. Талабалигидаги шошқалоқлигини ташламаган Қодирберган унутиб қолдирган мактубни газета саҳифаси орқали бўлса-да, эгаларига етказгим келди...**

# МАНСУРНИНГ МАКТУБИ

«Ассалому алайкум, азиз отажон! Сизга соғинч тўла юрагимда йиғилиб қолган дил сўзларимни йўллаяпман. Отажон, агар билсангиз, мен сиз билан жуда фахрланаман. Фақат йигирма йилдан буён тинчлик ва осойишталик йўлида фидокорона хизмат қилаётганингиз, елкангизни безаб турган юлдузлар билангина эмас, балки менга бу ёруғ оламни тортиқ этганингиз, ўзимга ва жигарларимга яхши таълим-тарбия берганингиз, биз учун намуна бўлганингиз билан ҳам чин дилдан фахрланаман.

Отажон, мен ҳар бир ишда сиздан ўрнак оламан, фақат ўзингизга ўхшашга ҳаракат қиламан. Сизга ҳавас қилганимдан республика Ички ишлар вазирлиги Академиясига ўқишга кирдим. Ниятим – худди ўзингиздек юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилиш. Шунинг учун ҳам устозларим берган сабоқларни жон қулоғим билан эшитаман, командирларимнинг топшириқларини сўзсиз бажаришга ҳаракат қиламан. Жанговар руҳни тарбиялаш ва жисмимни чиниқтириш учун тинмай машқ қиламан. Ахир, яна икки-уч ойдан кейин ўқишни тугатиб, тенгдошларим билан бирга Ватан хизматига йўл оламан. Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда бу саъй-ҳаракатларим асқотишини юрак-юрагимдан ҳис қиламан...

«Онажон! Мен сизни жуда соғиндим. Ўлкамиз узра кезиб юрган баҳор ташрифи сизга бўлган соғинчимни минг чандон оширди. Рўйи заминни қоплаган ям-яшил майсалар сизнинг майин қўлларингизни, борлиқни буркаган оппоқ гуллар ойдин юзингизни, қумри-ю булбулларнинг шодон қўшиқлари сиз айтган аллаларни ёдимга солди.

Менинг меҳрибон онажоним! Сизни фасллар келинчаги бўлмиш баҳор ва Наврўзи олам билан чин қалбимдан табриклайман. Баҳорий гўзаллик, баҳорий кайфият сизни асло тарк этмасин. Баркамол авлодни тарбиялашдек машаққатли, айни пайтда, шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман. Сиз таълим-тарбия бераётган ўқувчиларингиз худди акам Музаффар ва опам Муҳайёхонлардек юксак камолотга эришиб, илму фан чўққиларини забт этишсин. Энг муҳими, Президентимиз ва халқимизга фидокорона хизмат қиладиган муносиб ўғил-қизлар бўлиб етишсин.

Опажон! Сиз эришаётган ютуқларни эшитиб, дил-дилдан қувондим. Ушбу илм масканини тугатиб, ҳозирги кунда Банк ва молия академиясида таҳсил олаётган Музаффар акам каби, сиз ҳам ўтган йили Урганч давлат университетини тугатиб, олий маълумотли иқтисодчи бўлганингизда жуда қувонган эдим. Энди эса, онажоним билан бирга, буюк бобокалонимиз ал-Хоразмий номи билан аталган мактабда ёшларнинг иқтисодий билимларини ошириш борасида жонбозлик қилаётганингиздан, тўғриси, роса шодландим. Ахир, мустақил мамлакатимиз иқтисодиётининг эртанги куни сиз таълим бераётган ёшлар қўлида-ку! Улар сизу биздан ҳам юксакроқ чўққиларни эгаллашига, иқтисодиётимиз уфқини янада кўтаришига ишончим комил...



Биласизми, опажон, ушбу баҳор кунларида абри найсонларга тикилиб туриб, хаёлимдан нималар кечди. Болалигимизда сиз, акам, синглим ҳаммамиз биргаликда ям-яшил қирларга чиқиб ялпиз, исмалоқ, момақаймоқ, жағ-жағ, отқулоқ каби баҳорий кўклардан терганларимиз, баҳор ва Наврўз ҳақида қўшиқлар куйлаб, байтбарак айтганларимиз кўз олдимдан ўтди. Опажон, ишонсангиз, ҳозир шу сўзларни ёзяпман-у, назаримда, онажонимиз ҳар хил кўкатлардан тайёрлайдиган сомса, манти, чучвара каби баҳорий неъматлар таъмини туйгандек бўлдим.

Айниқса, ҳар йили бутун қариндошлар йиғилишиб пишириладиган сумалак ва ҳалимга дунёдаги ҳеч бир таом тенг келмаса керак. Дошқозон атрофида айтилган қўшиқлару ривоятлар энг катта саҳналарда ижро этилганидан ҳам тезроқ юракка етиб боришига ишонмасликнинг иложи йўқ. Ахир, уларнинг ижрочилари сочлари кумуш қишни эслатса-да, ўзлари баҳордек беғубор бувижонларимиз бўларди-да...

Қадрли опажон! Сизни ҳам баҳор байрами – Наврўзи айём билан чин дилдан табриклайман. Баҳор гулларидай очилиб, муаттар бўй таратиб юринг. Бахтингиз баҳор қуёшидай боқий кулиб турсин. Навбаҳорни бошлаб келган нозли насимлар сизга, онажонимга ва синглимга, қолаверса, барча аёлларимизга шодлик, бахт ва омад олиб келсин!

Сизлар билан дийдорлашув онларини интиқлик билан кутиб қолувчи

**Мансур БОЗОРОВ,**
**ИИВ Академияси 4-ўқув курси тингловчиси».**

**Мактубни подполковник Темир ҚУРБОНОВ оққа кўчирди.**

## Болалар спорти

Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт, оилада жамиятда соғлом муҳит қарор топишши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ.

# ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШДИ



Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББга бевосита бўйсунувчи Кинолог ходимлар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлаш марказида Баркамол авлод йилига бағишланган кикбоксинг бўйича очиқ чемпионат бўлиб ўтди. Чемпионатда ички ишлар ходимлари билан бир қаторда болалар ва ўсмирлар ҳам иштирок этишди.

Мусобақада сафдор Муродилла Сиддиқов биринчи, сафдор Дамир Фозилов эса иккинчи ўринни эгаллади. Болалар ва ўсмирлар ҳам катталардек тажриба, маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Ғолиб ва совриндорлар Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**А. ЯКУБОВ, сафдор.**

**Суратда:** *мусобақа пайти.*

# АНДИЖОНЛИК ЧАВАНДОЗ ҚИЗ

**Андижон вилояти ИИВ ППХ ва ЖТСБ отлиқ отряди ходимлари одатдаги кунларда жамоат тартибини сақлаш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш билан шуғулланишади. Оммавий маданий-спорт тадбирлари чоғида-ку уларнинг ўрни бўлакча. Ушбу бўлинмада ўз касбини севган, жониворларга меҳр қўйган, улар билан «тиллаша» биладиган инсонларгина хизмат қила олади.**

**Қуйида ана шундайлардан бири – отлиқ отряд ходими, сафдор Дурдона Қодирова ҳақида ҳикоя қиламиз.**

– Мен болалигимдан от спорти билан шуғулланаман, – дейди Дурдона. – Отам Рустамжон Қодиров 25 йилдан зиёд вилоят ихтисослаштирилган болалар от спорти мактабида мураббий бўлиб ишлаганлар. Олти ёшлигимдан мени ҳам машғулотларга олиб борардилар. Машқлар чоғида ўсмирлар отларни эгарлаб, пойга чопишларини, турли тўсиқлар устидан тулпорларида усталик билан ўтишларини ҳайратга тушиб кузатардим. Бир куни ҳавасим устун келиб: «Мен ҳам отга минай», – деб илтимос қилдим. «Қўрқмайсанми?» – сўрадилар отам. «Йўқ!» – деб дадил жавоб бердим.

Биринчи марта эгарга минганимда, ҳозир йиқилиб тушаман деб қўрқиб кетдим. Жон-жаҳдим билан жиловга ёпишдим. Пичадан кейин қўрқувим хиёл пасайди. Шунда отам отни жиловидан ушлаб бир қур айлантириб чиқдилар. Кўп ўтмай ўзим ҳам баҳайбат тулпорни бинойидай бошқарадиган бўлдим. Ўшандан буён орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Уста чавандоз бўлиш осон эмас экан. Бунинг учун кўп машқ қилишимга, машаққат чекишимга тўғри келди.

Барибир, болаликдан от минишни бошласангиз, унинг ҳадисини олиш осон бўларкан. Мана 15 йилдирки, от спорти билан шуғулланиб келаман. Мусобақаларда қатнашиб, бир неча бор совринли ўринларни эгалладим. Отлиқ отряд тузилаётганини эшитишим билан мени ҳам шу отряд сафига қабул қилишларини сўраб вилоят ИИБ раҳбариятига мурожаат этдим.

Кези келганда, мамлакатимизда Юртбошимизнинг ташаббуслари ва оталарча ғамхўрликлари туфайли болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашни истардим. Юртимизнинг барча вилоятларида энг замонавий андозаларга жавоб берадиган спорт иншоотлари қурилди ва қурилмоқда. Спортнинг ҳар хил турлари тобора ривож топмоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларнинг жисмонан соғлом, бақувват, мустаҳкам иродали бўлиб камол топишларига омил бўлмоқда. Мен ҳам болалигимдан ёш спортчилар сафига қабул қилиниб, истиқлолимиз билан бирга камолга етдим.

Бугунги кунда менга «Академик» лақабли от бириктирилган. Унинг бўйи икки метр, вазни нақ бир тонна келади. Буйруқларимни қулоқ қоқмай бажаради. Бунинг сабаби, уни яхши кўришимда, меҳр билан парваришлашимда бўлса керак. Отлар ҳам бамисоли болаларга ўхшайди. Улар ширинликларни, эркалашни ёқтиришади, хўжайинининг кайфиятини жуда нозик ҳис этишади, қийин вазиятларда унга ёрдам беришга ҳаракат қилишади.

Ўшанда 13–14 ёшларда эдим. Отимни чўмилтиргани дарёга олиб бордим. Кутилмаганда буталар орасидан бир киши отилиб чиқиб, менга ташланди, отимни тортиб олмоқчи бўлди. Шунда жонивор зўравоннинг қўлидан тишлади. Ҳалиги киши бошқа томондан келмоқчи бўлганида, боплаб тепди. Қулай фурсатдан фойдаланиб бир сакраб тулпоримга миндим-да, унинг бошини от спорти клуби томон бурдим. Юз берган воқеа ҳақида отамга айтиб бердим. Отам дарҳол дарё бўйига бориб, зўравонни тутиб, ички ишлар идорасига топширдилар.

– Сафдор Дурдона Қодирова қисқа вақт ичида ўзини интизомли, интилувчан ходим сифатида кўрсата олди, – дейди Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири ўринбосари, капитан З. Юсупов. – Зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажаради. Асосан эркаклардан иборат отрядда ўзининг муносиб ўрнини топа олди. Жамоа аъзолари уни ҳурмат қилишади, ундан ёрдамларини аяшмайди.



Дурдона ўз ишини севади, республика ИИВ Академиясида таҳсил олиб, кейин отлиқ отрядда хизматни давом эттиришни орзу қилади. Рустам ака қизи билан фахрланади. Биз эса Дурдонага орзу-истаклари ушалишини тилаб қоламиз.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**ўз мухбиримиз.**
*Андижон вилояти.*

**Суратда:** *сафдор Дурдона Қодирова тулпори билан.*

## Стол тенниси

# МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

**Наврўз байрами муносабати билан Хоразм вилояти ИИБ тергов ҳибсхонасида футбол, волейбол ҳамда стол тенниси бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.**

Ички ишлар идоралари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини янада ошириш мақсадида ўтказилган ушбу мусобақада тўққизта жамоа ўзаро баҳс олиб боришди. Муросасиз ўтган беллашувларда муассасанинг қўриқлаш отряди, тезкор бўлим ҳамда навбатчилик қисми жамоалари фаол иштирок этиб, ғолиб бўлишди.

Мусобақа ғолиблари қимматбаҳо совғалар ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

**Ғанижон ЁҚУБОВ, сержант.**

## Мини-футбол

# МАЙДОНДА – ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИ

**Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Сирдарё вилояти ички ишлар идоралари ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди.**

Финал мусобақаларида Сирдарё ва Мирзаобод туманлари ИИБлари ҳамда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди.

Умумжамоа ҳисобида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Мирзаобод тумани ИИБ жамоасига иккинчи, Сирдарё тумани ИИБ вакилларига учинчи ўрин насиб этди.

Номинациялар бўйича Мирзаобод тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, капитан Отабек Имомназаров «Энг яхши ҳужумчи», тергов ҳибсхонаси ходими, сержант Ботир Хўжанов «Моҳир ўйинчи», ППХ ва ЖТСБ ходими, сержант Шавкат Абдужабборов «Энг яхши дарвозабон» ва Сирдарё тумани ИИБ ходими, сафдор Олим Бобоев «Энг яхши ҳимоячи» деб топилдилар.

Мусобақа ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Назиржон ЙЎЛДОШЕВ.**

## Футбол

# ҒОЛИБ – ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИМИ

**Наврўз байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг «Динамо» ЖТСЖ томонидан футбол мусобақаси ташкил этилди.**

Ўйинлар Нукус шаҳридаги замонавий услубда қурилган муҳташам «Турон» ўйингоҳида ўтказилиши футболчилар ва томошабинлар учун ҳам айни муддао бўлди. Муросасиз кечган беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимларидан ташкил топган футболчилар жамоаси биринчи ўринни қўлга киритишди. Тергов ҳибсхонаси ходимлари эса иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Учинчи ўрин ИИВ АВБСО вакилларига насиб этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Енгил атлетика

# ЧОПҚИРЛАР ВА ЭПЧИЛЛАР БАҲСИ

**Қашқадарё вилояти «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида воҳа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида спортнинг енгил атлетика тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда 22 жамоа ўзаро ғолиблик учун беллашди.**

Мусобақа иштирокчилари дастлаб 100, сўнгра 3000 метрга югуришди. Кескин, муросасиз тарзда ўтган мусобақада ҳар бир жамоа вакили бор тажриба ва маҳоратини ишга солиб, ғолиблик учун курашди.

Қизғин ва шиддатли баҳсларда умумжамоа ҳисобида вилоят ИИБ ЖИЭБ муассасаси спортчилари ғолиб бўлишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни вилоят ИИБ АВБСО ҳамда Қўриқлаш бошқармаси жамоалари қўлга киритди.

Мусобақанинг 100 метрга югуриш баҳсида шахсий биринчиликда бошқарма ЁХБ 4-ҲЁХО 12-ҲЁХҚ ёнғин ўчирувчиси, сафдор Раҳим Рўзиев барча ҳамкасбларидан устунлигини намойиш этди. Кейинги ўринлар жазони ижро этиш муассасаси туркум бошлиғи, катта лейтенант Ислом Каримов ва вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси Муборак 2-АМБ милиционери, сафдор Беҳзод Салимовга насиб этди. 3000 метрга югуришда эса вилоят ИИБ АВБСО ходими, кичик сержант Рамиз Бердиевга тенг келадигани топилмади. Навбатдаги совринли ўринларни жазони ижро этиш муассасаси туркум бошлиғи, лейтенант Қувончбек Ачилов ва вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси алоҳида милиция батальони ходими, сафдор Шерзод Раҳмоновлар банд этишди.

Ғолиб жамоа ва спортчиларга вилоят «Динамо» ЖТСЖнинг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Содиқжон РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*



**Баракалла полвончалар, бўш келманглар!**

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

## Кураш

# БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

**Вилоят ИИБда "Динамо" ЖТСЖ жисмоний тарбия жамоалари ўртасида спортнинг кураш бўйича бўлиб ўтган мусобақалар Наврўз байрамига бағишланди. Мусобақаларда 21 та жисмоний тарбия жамоаларидан 90 га яқин спортчи ходимлар иштирок этди.**

Беллашувларга алоҳида тайёргарлик кўрган ходимлар бор маҳоратларини намойиш этишди. Мутлоқ ғолиблик энг кучлиларга насиб этди. Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерлари, сафдорлар Фахриддин Холиқов, Шуҳрат Бўронов, вилоят ИИБ АВБСО командирининг ўринбосари, капитан Ортиқ Мухторов ва АВБСО 2-жанговар гуруҳи катта мутахассиси, кичик сержант Фарҳод Жумаев ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллашди.

Мусобақаларда умумжамоа ҳисобида вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими жамоаси 1-ўринни, вилоят ИИБ жамоаси 2-ўринни, вилоят МХХБ жамоаси эса 3-ўринни қўлга киритди.

Ғолиб жамоалар ва ходимларга вилоят ИИБ раҳбариятининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совринлар тантанали равишда топширилди.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.**
*Бухоро вилояти.*

# ИККИ БОШҚОТИРМА

**Азиз муштарийлар! Бугун эътиборингизга ҳавола қилинаётган икки топшириқнинг биринчиси – қўшалоқ диагоналли «Квадрат» бошқотирмасидир. Иккинчиси эса, квадратнинг устидаги криптограмма. Энг аввало, квадрат шаклини горизонтал қаторларига яширилган етти ҳарфли еттита сўзни топинг. Уларнинг маънолари қуйидагича:**

1. Наврўз байрамининг сервитамин, хушхўр ва тансиқ таоми. 2. «Анора» бадиий фильмининг режиссёри. 3. Бир неча детектив фильмларда асосий ролларни ижро этган россиялик Игорь исмли киноактёрнинг фамилияси. 4. Баҳорда очиладиган манзарали хушбўй гул. 5. Таниқли эстрада хонандаси. 6. Қишлоқ хўжалик машинаси. 7. «Алишер Навоий» фильмида Ҳусайн Бойқаро ролини ижро этган санъаткор.

Квадрат шаклининг доирачалар билан белгиланган ўнг диагоналида Африкадаги давлатлардан бири Гвинея Республикасининг пойтахти номи, чапдаги диагоналда эса Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Наврўз» романи муаллифининг фамилияси яширилган.

### КРИПТОГРАММА

Ушбу иккинчи топшириқни бажариш учун маънолари қуйида баён қилинган бешта калит сўзларни топиб, уларнинг ҳарфларини криптограмма шаклининг катакларига тегишли рақамларга мувофиқ жойлаштириб чиқинг.

**КАЛИТ СЎЗЛАРНИНГ МАЪНОЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:**

I. Ўғил ёки қизнинг фарзанди – 1,2,12,7,4,2

II. Баҳор ўсимлиги – 9,8,9,2

III. Яшиллик – 13,5,13,9,2,10

IV. Дастурхонга қўйиладиган идиш – 3,2,6,2

V. Қайнатиб тайёрланадиган суюқ ширинлик – 10,11,4,2,12,12,8

Агар калит сўзларнинг ҳаммасини тўғри топиб ёзсангиз, криптограммда қутлов сўзларни ўқийсиз.

**Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**





**ГАЗЕТАМИЗНИНГ 10-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ИККИ ҲИКМАТ» БОШҚОТИРМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

**Доирадаги беш ҳарфли сўзлар:**

1. Ирода. 2. Монро. 3. Агата. 4. Илова. 5. Ҳолва. 6. Ўрама. 7. Чампа. 8. Туфли. 9. Клара. 10. Нухат. 11. Зирак. 12. Трико. 13. Ойдин. 14. «Раиса». 15. Карам.

**Иккита қуюқ чизиқли ўрта доирадаги мадҳ:**

Она – олам фахридир.

**Криптограмманинг очқич сўзлари:**

I. Онтарио. II. Қанд. III. Доира. IV. Ҳирот. V. Қиёқ.

**Унда яширилган мадҳ сўзлари:**

Она қадри – ҳаёт қадри.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник

**Мирзо ОЧИЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Андижон вилояти ИИБ тергов бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Избоскан тумани ИИБ тергов бўлинмаси катта терговчиси, майор Ҳаётхон Саломовага онаси

**ТОЖИХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ППХ ва ЖТСБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Эркин Бердиевга отаси

**НАРИМАН бобонинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

# Ватан гулзор бўлиб кетгай...



## СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

Уйғонгувчи боғларни кездим,
Топай дедим қирдан изингни.
Ёноғингдан ранг олган дедим –
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқлардан залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Унгурларда сакрайди оҳу,
Наъматакда саъва миттижон.
Қорликлардан сипқорилган сув
Даралардa уради жавлон.
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бугун Наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севгили эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман:
– Сен баҳорни соғинмадингми?

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Халқ шоири.**

## ВАТАН ГУЛЗОР БЎЛИБ КЕТГАЙ

Югургай нур сочиб офтоб, Ватан гулзор бўлиб кетгай,
Шамол гулларни ўйнатмоқ учун бедор бўлиб кетгай.

Баҳор – кўнглимни олган қиз, унинг қошида чўкдим тиз,
Чиқиб сархуш этар ялпиз, ғамимга ёр бўлиб кетгай.

Ғариб булбул хиёбонда, учар афтода ҳар ёнга,
Ғазаллар барқ уриб қонда, дилим бозор бўлиб кетгай.

Азалдан сўз очар тарих, бу тупроқ дилочар тарих,
Тўлиб ҳикмат сочар тарих, ҳама хуштор бўлиб кетгай.

Қоғоз бирлан қалам келди, менинг дашту далам келди,
Ёниб куйлашга дам келди, аламлар хор бўлиб кетгай.

Дилимни сизга айтдимми, керакмас менга қайтимни,
Олинг ҳар битта байтимни, жаранглаб тор бўлиб кетгай.

Юрак қирғоқлари бўйлаб, келар Ахтамқули куйлаб,
Нуқул оташли сўз ўйлаб, куйиб абгор бўлиб кетгай.

**АХТАМҚУЛИ.**

## НАВРЎЗИ ОЛАМ КЕЛДИ...

Пешвоз чиқайлик дўстлар, Наврўзи олам келди,
Соғинч билан ҳаммамиз интиқ кутган дам келди.

Борлиққа дунё-дунё кўрк-тароват бахш этиб,
Яшариш, янгиланиш тимсоли – кўклам келди.

О, нақадар мавжланиб, товланиб жилолангай,
Қирларга гуллоладан қирмизи гилам келди.

Гулгун либосли дилбар қизларга боқиб деймиз:
«Ҳар бири наврўзона иболи санам келди».

Алпқомат, шижоатли, йигитлар шаҳдин кўриб,
Деймиз: «Эл-юртга содиқ, баҳодир, ўктам келди».

Юз-кўзида мамнунлик акс этган ҳар нуроний –
Дилда шукрона билан тетик ва бардам келди.

Баҳорий ноз-неъматлар лиқ тўла дастурхонга
Тансиқ таом сумалак – энг ноёб малҳам келди.

Тарихнинг минг синови, машаққатидан ўтиб –
Умрбоқий Наврўзим, яйраб, шод-хуррам келди.

**Исомиддин ЖУМАЕВ,**
**меҳнат фахрийси.**

## ЎРГИЛАЙ

*(мусаддас)*

Қуёш янглиғ кулиб келган Наврўзингдан ўргилай,
Ўсмаланган, сурмаланган қош-кўзингдан ўргилай,
Қизғалдоқдай қирмизланган оразингдан ўргилай,
Ҳалол топган ризқу рўзинг, нон-тузингдан ўргилай,
Азиз элим – жону дилим, сўз-созингдан ўргилай,
Илдизингдан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Бугун сенинг ўктамлигинг жумлаи жаҳон айтар,
Сулувлигинг, кўркамлигинг ори бор инсон айтар,
Дунёларни бўйлаганинг ҳинду турк, испон айтар,
Мағриб айтар, Машриқ айтар, аҳли Туркистон айтар.
Азиз элим – жону дилим, гул юзингдан ўргилай,
Илдизингдан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Япроқларинг дилга боссам, яйраб кетгайдир жоним,
Тупроқларинг кўзга сурсам, яшнаб кетгай имоним,
Чорбоғларинг чаппар урсам, сайраб кетгай забоним,
Сен – шавкатим, сен – давлатим, сенсан безавол шоним,
Азиз элим, қиш-баҳоринг, ёз-кузингдан ўргилай,
Илдизингдан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Юрагимга расминг солдим қуёшга монанд қилиб,
Меҳру сеҳринг, саховатинг жисмимга пайванд қилиб,
Ҳаётимга, баётимга асал ҳамда қанд қилиб,
Бухоройи шариф қилиб, сайқал Самарқанд қилиб,
Азиз элим, ҳар йигиту ҳар қизингдан ўргилай,
Илдизингдан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Отам ўтди эркинг ўйлаб, энди отам ўзингсан,
Онам ўтди умринг тилаб, энди онам ўзингсан,
Дуоғўйим, чароғбоним, қалбга малҳам ўзингсан,
Кўксимдаги моҳ-анворим, мангу ҳамдам ўзингсан,
Азиз элим – жону дилим, қор-музингдан ўргилай,
Илдизингдан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Сибизғанинг савтларида сени хандон кўраман,
Бахшиларнинг байтларида бағринг осмон кўраман,
Мунажжимнинг қайдларида бахтинг омон кўраман,
Муаррихнинг хатларида йўлинг равон кўраман,
Азиз элим, овозингдан, баёзингдан ўргилай,
Илдизингдан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Сендан айри тушган кунни асло-асло кун демам,
Шайдоман деб ким лоф урса, уни ҳеч мафтун демам,
Агар сенсиз умри кечса, Аҳмадий мамнун демам,
Хуморингсиз, мадорингсиз бу дунё бутун демам,
Азиз элим – қиблагоҳим, намозингдан ўргилай,
Илдизингдан, юлдузингдан, Наврўзингдан ўргилай...

**Тошпўлат АҲМАД,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган**
**маданият ходими.**

## КЎКЛАМ ШОДИЁНАСИ

**Хива** гиламидек замин турфаранг,
**Нукус** боғларида кўклам ҳавоси.
**Қашқа воҳаси**дан туриб бир қаранг –
**Сурхон** тоғларида бахши навоси.

**Нақшбанд** элида қўллар дуода,
Яратганга етар банда нидоси.
**Навоий** назмидан алёр самода,
**Регистон** саҳнида карнай садоси.

**Гулистон** чамандек яшнаб турадир,
Яратувчанликнинг борми кандаси?
**Бахмал** қирларида қадр куладир,
Яхшилик-ла банддир бугун бандаси.

Бобурни куйлатган гўзал диёрда,
**Андижон** полкаси чарх ураётир.
**Наманган** аталмиш ҳадсиз гулзорда,
**Фарғония** элида кун кулаётир.

Шаҳри азим юртим, ҳам юрак, ҳам кўз –
Муқаддас қўрғони мустаҳкам **Тошкент**!
Боққил, остонангда жилмаяр Наврўз,
Қучоғингни очгил, қошига шошгин!

Сумалак бўйидан сархушдир қуёш,
Мустақил элимнинг тилида алёр.
Ўйнаб-кулар бугун барча қари-ёш,
Марҳабо, эзгулик элчиси – Баҳор!

**Эркин САТТОРОВ.**



## БАҲОР МАНЗАРАЛАРИ

Айроликдан куйиб қорайган қирғоқ,
Бағрига сингади шалола сувлар.
Бутун вужуд бўлиб мисоли қулоқ,
Қочади кўзлардан қишки уйқулар.

Мудраган дарахтнинг таналарида
Куртаклар тинмасдан исён бошлайди.
Йўғон ток зангининг паналарида
Кесилган қаламча кўзин ёшлайди.

Майсалар найзасин кўтарар мағрур,
Яшил аскарларга тўлади олам.
Бир дунё бахт қучган одамдек масрур,
Қозонда сумалак ковлайди онам.

**Темир ҚУРБОНОВ,**
**подполковник.**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ.

Юлдузлар турмуш ўртогингиз билан муносабатни яхшилашга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини уқтиряпти. Ўртада жанжал, келишмовчилик чиқмаслигига ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ўзбилармонлик қилмасликни маслаҳат берамиз. Қўпол ҳаракат, нохуш муомала фақат оилада эмас, жамоада ҳам мавқеингизга путур етказишини эслатиб ўтамиз. Одамларга қарши бориш, янги маслакдош, шериклар излашнинг вақти эмас.

### СИГИР.

Ҳафтанинг биринчи ярмида саломатликка жиддий эътибор бериш лозим бўлади. Ўз вақтида даволанмаган касаллик сурункали тус олиши мумкин. Хонадон, рўзғор ишлари, маиший масалалар билан шуғулланишга вақт ажратинг. Тасодифан учрашган, синалмаган одамга ишониб бўлмайди. Ўзингиз хоҳламаган битим, келишувларга аралашмаслик, шубҳа билдирган кишидан узоқроқ юришни маслаҳат берамиз.

### ЭГИЗАКЛАР.

Ҳафтанинг биринчи ярмида вақтни дўстлар, яқинлар билан суҳбат қуриш, кўнгил ёзиш учун эмас, муҳим ишларга сарфлаган маъқул бўлади. Янги танишув, учрашувлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳар қандай таваккал ишлардан нари юришни маслаҳат берамиз. Иш жойингиз, хонадонда электр асбобларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя этинг. Дам олишга вақт ажратиш лозим.

### ҚИСҚИЧБАҚА.

Айрим анъаналар, услублар шахсий режаларни амалга оширишда халақит бераётгандай туюлиши мумкин. Аммо эзгулик сари қадам ташлаётганда анъаналар, синовдан ўтган усуллар қўл келишини эслатиб ўтамиз. Ҳуқуқий масалалар, суд ишлари билан ҳафтанинг иккинчи ярмида шуғулланмаган маъқул. Гарчи жуда зарур бўлган ҳолатда ҳам бу ишларни кейинга суришни маслаҳат берамиз. Саломатлик ҳам эсдан чиқмасин.

### АРСЛОН.

Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмида янги билим олиш, машғулотда қатнашиш маъқул эмаслигини таъкидлаяпти. Яхшиси, мустақил шуғулланинг. Касални ўзбошимчалик билан даволаш оғир асоратларга олиб келиши мумкинлигини эслатиб ўтамиз. Тажрибали шифокорга бориб, унинг тавсияларини бажариб, даволанган яхши.

### БОШОҚ.

Ҳафтанинг биринчи ярмида кредит, қарз олиш, бериш, инвестиция ишлари билан шуғулланмасликни маслаҳат берамиз. Солиқ, мажбурий тўлов, алимент масалаларини ҳал этиш учун эса қулай бўлади. Қўшимча даромад олиш учун қулай имконият бўлиши кутиляпти. Ўйламасдан таваккал ишга қўл урмаган маъқул. Эҳтиросли ўйинлар, лотереялардан четроқ юрган яхши. Турмуш ўртоғингиз билан муносабатни мустаҳкамланг.

### ТАРОЗИ.

Ишбилармонлик, тадбиркорликда совуққонлик, бепарволик қилиш ярамайди. Шериклар бундай муносабатдан ўз манфаати учун фойдаланиши мумкин. Янги режалар тузиш, лойиҳаларда қатнашиш имкониятини қўлдан берманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида яқинлар, қариндошлар билан карама-қаршиликка бориш, жанжал чиқмаслиги учун оғир-босиқ бўлиб, ён босишга ҳаракат қилинг.

### ЧАЁН.

Юлдузлар саломатликка жиддий эътибор беришни таъкидлаяпти. Ўзингизни мажбурлаб ишлатиш, тавсия этилмаган овқатларга ружу қўйиш касалликни зўрайтириб, оғир асорат қолдириши ёки сурункали тус олиши мумкинлигини эслатиб ўтамиз. Кун тартибига амал қилиш ҳар ишда ютуққа омил бўлишини унутманг. Аввалдан тузилган режа асосида ишлаш, ҳаракат қилишга одатланинг, натижасидан хурсанд бўласиз.

### ЁЙ.

Ўзаро муносабатдаги муомалангиз айрим дўст, яқинларга ёқмаслиги мумкин. Бундан ранжимаслик, қизишиб муҳокама қилмасликни маслаҳат берамиз. Фалсафий мушоҳадаларга бой суҳбат қуриш, дўстлар билан саёҳатга чиқиш омадли, қизиқарли бўлиши мумкин. Кўнгилочар тадбирларга харажатларни қисқартириш лозим. Ҳар қандай зарур буюм, тадбирга ўйлаб пул сарфлаган маъқул.

### ТОҒ ЭЧКИСИ.

Муаммолар ечимида анъанавий услуб доим ҳам кўзланган натижа беравермаслигини эслатиб ўтамиз. Айрим ўрганиб қолган эски одатлар ҳатто зарар келтириши ҳам мумкин. Омад келмаса кўнгилни чўктирмасдан янги ҳаракатларни бошлаш маъқул бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида оилавий келишмовчиликлардан четда бўлган афзал. Ўзингизни намоён этишга шошилманг. Бу жиддий тортишувга сабаб бўлиши эҳтимоли бор.

### ҚОВҒА.

Юлдузлар билим ва маҳоратни намоён этиш ёки ким биландир баҳам кўриш анча қийин кечишидан дарак бермоқда. Шунинг учун суҳбат, мулоқотда тушунмовчилик келиб чиқиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Текширилмаган хабар, ахборотга ишонмаслик лозим. Синалмаган, нотаниш кишининг ҳар қандай таклиф, маслаҳатига рад жавоби бериш энг маъқул йўл бўлади.

### БАЛИҚ.

Ҳафтанинг биринчи ярми ҳар қандай молиявий масалаларни ҳал этиш учун қулай ва омадли бўлиши кутиляпти. Аммо йирик харидлар, банкда ҳисоб очиш, муддатли омонат олишга маслаҳат берилмайди. Ҳафтанинг иккинчи ярми сурункали ва оғир хасталикни даволатиш учун қулай бўлади. Қўшимча даромад келтирадиган иш топишга ҳаракат қилинг.

## НАВРЎЗ ҲАЗИЛЛАРИ



**Икром Раҳим** бор тўйлар
Зўр ва ажойиб ўтар,
"Келинг азизларим!" деб,
Таъзим-ла меҳмон кутар.



Актёру посбон бўлиб,
Хизмат қилар Ватанга,
**Учкун Тилла** бор жойда
Қалбдан чиқар аланга.



"**Ўзбегим ёшлари**"ни,
Дўстлар, яхши биларсиз.
Бирор байрам, бирор тўй,
Ўтмас энди уларсиз.



Юракларни сел қилар
**Тожибархон** ноласи,
"Алла"син тинглаб ухлар
Ўзбекнинг ҳар боласи.



**Анвар Санаев** куйлар:
"Кел, бағрингга бос мени!"
Жамалак айлаб жоним,
Сочларингга ос мени!"



Шляпаси бошида,
Қачон кўрсанг, иши зиқ.
Гоҳ чол, гоҳ акробатдай
Сакрар **Валижон** қизиқ.



**Алишер Ҳамро** куйлаб,
Ҳаммани "Огоҳ" этди.
"Дилбаржон"ини ўйлаб,
ЖИЭБга ўтиб кетди.



Март ойида таваллуд
Топган гул – **Бернорахон**,
Ҳусни жамолин кўриб
Ларзага келгай жаҳон.



**Муҳаббатхон** "Постда"нинг
Форма кийган дилдори.
"Матбуот маликаси" –
Танловин совриндори.



Кўп йилки **Шуҳрат Рўзи,**
Ижод отин йўрттирар,
"Бетга айтолмас сўзин",
"Постда"да чоп эттирар.



Наврўзойга бағишлаб,
Шеър битди **Эркин Саттор**,
Шифтига қалдирғочлар,
Ин қўйди қатор-қатор.

Бахт-баҳор айёмида,
Дўстларга тилаб омад.
Бу байрам ҳазилларин,
Битди **Зикрилла Неъмат.**

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88;
**Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-9146. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 62449 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**